

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

№4/2019(145) 1995 йилдан чиқа бошлаган

## БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан

### **БОШ МУХАРРИР:**

Шодиқул ҲАМРОЕВ

### **ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**

Козимджан КАМИЛОВ

Светлана АРТИКОВА

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Замира ЭСОНОВА

Олим ҲАЙИТОВ

Азиз МИРЗАЕВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил  
19 апрелда Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0249-рақам билан  
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий  
аттестация комиссияси  
Раёсатининг 2004 йил 17  
декабрдаги 110/4-сонли  
қарорига асосан ҳуқуқий,  
илмий-амалий журнал  
ваколати берилган.

Босишга 12.07.2019 йилда  
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ  
босмаҳонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри,  
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.  
Адади: 5420 нусха.  
Буюртма № 135.

### **МУНДАРИЖА**

*2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари*

*2. Жиноят ишларини назорат тартибида кўриш бўйича суд  
амалиёти тўғрисида*

*10. Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида*

*15. Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал  
қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида*

### **СОДЕРЖАНИЕ**

*29. Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан*

*29. О судебной практике по рассмотрению уголовных дел в  
порядке надзора*

*38. О решении суда*

*42. О некоторых вопросах применения судом первой инстанции  
норм экономического процессуального законодательства*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ  
Қ А Р О Р И

2019 йил 24 май

№ 11

Тошкент шаҳри

## Жиноят ишларини назорат тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиришлар киритилганлиги, суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан ҳамда қонун нормалари бир тахлитда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (бундан буён матнда ЖПК деб юритилади) 510-моддасига мувофиқ суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими, қарори устидан шикоят бериш ҳуқуқи суд ишини юритишда айблов томони (прокурор, жабрланувчи ёки унинг вакили, фуқаровий даъвогар ёки унинг вакили) ва ҳимоя томони (айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб, жиноят иши тугатилган шахс, маҳкум (оқланган шахс), унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакили, фуқаровий жавобгар ёки унинг вакили) иштирокчисига берилган.

Суд ҳужжатлари устидан назорат тартибида шикоят бериш ҳуқуқи, шунингдек, мазкур қарорлар ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларига дахл этган бошқа шахсларда ҳам мавжуд. Бундай шахслар жумласига, масалан, гаров берувчи ёки даъвони ёхуд ҳукм ижросини таъминлаш мақсадида мол-мулки хатланган шахс киради.

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари суд ҳужжатларининг фақат фуқаровий даъ-

вога оид қисми устидан шикоят беришга ҳақли.

Оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукмнинг оқлов сабаблари ва асосларига оид қисми устидан шикоят беришга ҳақли.

Қонунда бошқа шахсларга суд ҳужжатлари устидан назорат тартибида шикоят бериш ҳуқуқи берилмаган.

2. Назорат тартибидаги шикоят, протест бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судига (бундан буён матнда Олий суд деб юритилади) берилади.

Назорат тартибида иш юритиш кўйидагича кўзгатилиши мумкин:

Олий суд судьясининг ажрими бўйича — ЖПК 515-моддасига мувофиқ;

Олий суд раиси ёки унинг ўринбосари ажрими бўйича — ЖПК 515-1-моддаси учинчи қисмига мувофиқ;

Олий суд раиси ёки унинг ўринбосари протести бўйича — ЖПК 511-моддасига мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари протести бўйича — ЖПК 511-моддасига мувофиқ;

Назорат тартибида иш юритиш фақат апелляция ёки

кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича кўзгатилади.

3. Назорат тартибидаги шикоят, протест (бундан буён матнда шикоят (протест) деб юритилади) кўйидаги тартибда берилади:

Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига — апелляция ёки кассация инстанцияси судлари қарорлари устидан;

Олий суд Раёсатига — Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан апелляция, кассация ёки назорат тартибида чиқарилган ажримлар устидан.

4. Қонунда шикоят (протест) бериш учун бирон-бир муддат белгиланмаган. Шу билан бирга, ЖПК 513-моддаси мазмунига кўра, ҳукм (ажрим) қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир йил ўтгандан сўнг берилган шикоят (протест), башарти унда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришларга (масалан, маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топиш, жазони ижро этиш колониясининг қаттиқроқ турини белгилаш, шартли ҳукми бекор қилиш,

мулкий зиён миқдорини кўпайтириш, башарти бу жиноят квалификацияси ёки айблов мазмуни маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирувчи томонга ўзгаришига олиб келса ва ҳ.к.), шунингдек, оқлов ҳукмини ёхуд суднинг ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини бекор қилиш назарда тутилган бўлса, назорат инстанцияси суди томонидан кўрилиши мумкин эмас.

Бунда бир йиллик муддат биринчи инстанция судининг тегишли ҳукми, ажрими ёки қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб, назорат инстанцияси суди томонидан қарор қабул қилинган кун қўшилган ҳолда ҳисобланиши керак.

Агар шикоят (протест) бир йиллик муддат ўтгунга қадар берилган бўлиб, мазкур муддат иш бўйича қарор қабул қилингунга қадар ўтиб кетса, уни ҳал этиш босқичидан келиб чиқиб, кўрилмасдан ёки қаноатлантирилмасдан қолдирилади ва бу ҳақда шикоят (протест) берган шахсга маълум қилинади.

5. Шунингдек назарда тутиш лозимки, шикоят (протест) мазмуни ЖПК 510-моддаси иккинчи қисми талабларига мос бўлиши лозим.

Шикоят (протест) куйидаги ҳолларда қайтарилмайди, агар: у ЖПК 502-1-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган талабларга жавоб бермаса;

иш апелляция ёки кассация тартибида кўрилмаган бўлса.

Шикоят, шунингдек, унга мазкур иш бўйича суд томонидан тасдиқланган суд қарорлари кўчирма нусхаси илова этилмаган ҳолда ҳам қайтарилмайди.

Қайд этилган ҳолатлар бар тараф этилгандан сўнг шикоят (протест) умумий тартибда қайта берилиши мумкин.

6. ЖПК 514-моддасига мувофиқ шикоят назорат инстанцияси суди томонидан у

келиб тушган кундан бошлаб бир ой мобайнида, иш чақиртирилган ва текшириб чиқилган ҳолларда эса — икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши керак. Бу муддатга ишни назорат инстанциясида кўриш учун ЖПК 483-моддасида белгиланган вақт қўшилмайди.

7. Судларга тушунтирилсинки, қонунда назорат тартибида иш юритиш предмети бўйича муайян истиснолар назарда тутилган.

Чунончи, ҳукм чиқарилгандан сўнг қабул қилинган амнистия актини, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масалалари юзасидан, шунингдек, маҳкумга нисбатан ижро этилмаган бир неча ҳукм мавжуд бўлиб, вақт жиҳатдан охириги ҳукми чиқарган суд бундан беҳабар бўлган ҳолларда берилган шикоят (протест), агар унда айни бир пайтда айблов мазмуни ёки суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилиги бўйича бошқа масалалар қўйилган бўлмаса, назорат инстанцияси суди томонидан кўрилмайди.

Бу масалалар биринчи инстанция суди томонидан ЖПК 540-моддаси ва 541-моддаси биринчи қисми қоидаларига мувофиқ ҳал этилади.

8. ЖПК 76-моддасига мувофиқ шикоят, шунингдек, талаб қилиб олинган ёки шикоят (протест) билан келиб тушган жиноят иши мазкур ишни кўришда муқаддам иштирок этмаган судья томонидан ўрганиб чиқилиши лозим.

Шикоят (протест) ёки жиноят иши мазкур ишни кўришда муқаддам иштирок этган судьяга тайинланган ҳолда, у ЖПК 80-моддасига мувофиқ ўзини ўзи рад этиши шарт.

Ишни назорат инстанциясида кўришда иштирок этган судья, башарти назорат инстанциясида унинг иштирокида чиқарилган ажрим бекор қилинмаган бўлса, шу ишни

бошқа маҳкумга (оқланган шахсга) нисбатан кўришда иштирок этиши мумкин.

9. Назорат инстанциясида келиб тушган дастлабки шикоят Олий суд судьяси томонидан шикоятга илова этилган материаллар, зарурат бўлганда эса, жиноят ишини талаб қилиб олган ҳолда ўрганиб чиқилади.

Олий суд судьяси шикоятни ўрганиб чиқиш натижаси бўйича ўз ажрими билан қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисида;

шикоятни иш билан бирга кўриб чиқиш учун Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига бериш тўғрисида.

Қабул қилинган қарор тўғрисида шикоят берган шахсга уч кунлик муддат ичида ҳабар қилинади.

10. Шикоятни ўрганиб чиқишда судлар шундан келиб чиқишлари лозимки, шикоятда баён этилган важлар суд ҳукми, ажрими ёки қарорининг қонунийлиги ва асослилиги юзасидан шубҳа уйғотган ёки бундай шубҳа бевоқиф суд қарорлари мазмунидан келиб чиққан ҳар бир ҳолда иш чақиртирилиши шарт. Иш, жумладан, куйидаги ҳолатлар юзасидан шубҳа туғилганда талаб қилиб олиниши шарт:

суд терговининг тўлиқлиги; суд ҳулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқлиги;

жиноят ёки жиноят-процессуал қонуни нормаларига риоя этилганлиги ва тўғри қўлланилганлиги;

тайинланган жазонинг адолатлилиги.

11. Олий суд судьясининг суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ажримда шикоятни кўриб чиқиш учун Олий суднинг жиноят ишла-

ри бўйича судлов ҳайъатига бериш рад этилганлиги сабаблари ва асослари шикоят важларини рад этувчи ҳамда ҳукм ёки бошқа суд қарори қонунийлиги ва асослилигини тасдиқловчи аниқ далиллар ва хулосалар баён этилган ҳолда кўрсатилиши лозим.

Олий суд судьясининг суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ажрими шикоят берган шахсга юборилади ва у ажрим устидан Олий суд раиси ёки унинг ўринбосарига шикоят беришга ҳақли.

12. ЖПК 518-моддасига кўра назорат инстанцияси судида ишни кўриш бошлангунга қадар протест билдирган шахс ўз протестини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори эса, ўзининг ўринбосари билдирган протестни қайтариб олишга ёки ўзгартиришга (шу жумладан тўлдиришга) ҳақли.

Қонунга кўра, маҳкум ўзининг шикоятини, шунингдек, ҳимоячисининг шикоятини шундай тартибда қайтариб олишга ҳақли.

Шикоят (протест)нинг қайтариб олиниши, агар иш бўйича бошқа шахснинг шикояти ёки протести бўлмаса, назорат тартибида иш юритиш тугатилишига олиб келади. Бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Шикоят (протест)нинг қайтариб олиниши унинг янгидан умумий тартибда берилишига монелик қилмайди.

13. Маҳкум (оқланган шахс)нинг назорат инстанцияси суди мажлисида иштироки унинг ҳуқуқи ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, жиноят иши келиб тушганидан сўнг суд маҳкум (оқланган шахс)ни назорат инстанцияси судида иш кўриладиган вақт ҳақида хабардор қилиши лозим.

Жазони ижро этиш муассасасида жазо ўтаётган маҳкумнинг назорат инстанцияси суди мажлисида иштиро-

ки зарурати, шунингдек, уни олиб келиш масаласи суд томонидан ҳал этилади (ЖПК 479-моддаси тўртинчи қисми).

14. ЖПК 480-моддасининг биринчи қисми мазмунига кўра назорат инстанцияси суди мазкур инстанция судида қатнашиш ваколатига эга бўлган прокурорни ҳар бир иш бўйича олдиндан хабардор этиш чораларини кўриши шарт.

15. Назорат инстанцияси суди мажлисида иштирок этишга ҳуқуқи бор шахслар доираси қонунда белгиланган (ЖПК 479-моддаси тўртинчи қисми).

Ишнинг кўрилиш жойи, саноиси ва вақти тўғрисида тегишли равишда хабардор этилган шахсларнинг узрли сабабларсиз суд мажлисига келмаслиги уни кўриш учун монелик қилмайди.

Айни пайтда, қонунга кўра, назорат инстанцияси судида прокурорнинг иштироки шарт бўлиб, бундай ҳолда, ЖПК 25-моддаси биринчи қисми, 51-моддаси биринчи қисми 6, 9-бандлари ва иккинчи қисми мазмунидан келиб чиқиб, ушбу инстанцияда ҳимоячининг иштироки ҳам таъминланиши шарт (ЖПК 52-моддасида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно). Шу сабабли прокурор ёки ҳимоячи келмаган ҳолларда ишнинг муҳокамаси кейинга қолдирилиши керак.

16. Назорат инстанцияси суди холислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда тарафларга ўз процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишлари учун зарур шароит яратиб бериши шарт.

Назорат инстанцияси судида ишнинг муҳокамаси ЖПК 520-моддасида назарда тутилган қоидалар асосида олиб борилади.

17. Назорат тартибида иш юритишнинг апелляция, кассация тартибидан фарқли хусусияти шундан иборатки, назорат инстанцияси суди фа-

қат қисман суд тергови ўтказиши, шу жумладан, биринчи инстанция суди томонидан текширилмаган далилларни текшириб чиқиши ва уларга суд мажлисида аниқланган янги ҳолатлар натижасига кўра ҳуқуқий баҳо бериши мумкин (ЖПК 490-моддаси тўртинчи қисми).

Назорат инстанцияси суди тарафларнинг илтимосномаларини (янги гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертизалар ўтказиш, ашёвий далиллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва бошқалар ҳақида) улар биринчи, апелляция ёки кассация инстанцияси суди томонидан рад этилганлиги сабаблигина, рад этишга ҳақли эмас. Зарур ҳолларда суд қўшимча далилларни талаб қилиб олишда ташаббус кўрсатиши лозим.

ЖПК 481-моддасига кўра, қўшимча материаллар суд томонидан тергов органларига муайян тергов ҳаракатларини ўтказиш тўғрисида топшириқ бериш йўли билан ҳам олиниши мумкин. Бу ҳақда назорат инстанцияси суди ажрим чиқаради, ишнинг муҳокамаси эса кейинга қолдирилади.

18. Процесс иштирокчиларининг суд мажлиси баённомасида қайд этилган кўрсатувлари уларнинг биринчи, апелляция (кассация), назорат инстанциялари судида аслида берган кўрсатувларига мос эмаслиги тўғрисида шикоятда (протестда) келтирилган важлар бу шахсларни сўроқ қилиш йўли билан текширилиши мумкин.

19. Назорат инстанцияси суди биринчи, апелляция (кассация), назорат инстанциялари суди томонидан ишнинг ҳақиқий ҳолатлари қанчалик тўғри аниқланганлигини, моддий ва процессуал қонун нормалари қанчалик тўғри қўлланилганлигини текширади.

Назорат инстанцияси суди жиноят ишини фақат шахс судланган ёки оқланган айб-

лов доирасида кўриб чиқади.

ЖПК 494-моддасига мувофиқ оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш ёки жазони кучайтиришга зарурат бўлганда, назорат инстанцияси суди апелляция ёки кассация инстанцияси ажримини бекор қилиб, ишни апелляция ёки кассация тартибида янгидан кўриш учун юборишга фақат шу асослар бўйича жабрланувчи томонидан шикоят берилган ёки прокурор томонидан протест билдирилган ҳолда ҳақли.

20. ЖПК 482-моддасига мувофиқ назорат инстанцияси суди шикоят (протест)да баён этилган важлар билангина чегараланмасдан, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини тўла ҳажмда (тафтиш тартибида) текширишга мажбур.

Иш бўйича бир неча маҳкум (оқланган шахс) ўтган бўлиб, улардан айримларига нисбатан шикоят (протест) берилган ҳолларда назорат инстанцияси судида иш барча маҳкумларга (оқланган шахсларга) нисбатан текширилади. Агар шикоят бермаган ёки (протест) билдирилмаган шахсларга нисбатан суд қарорларини уларнинг аҳволини енгилаштирувчи томонга бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асослар борлиги аниқланса, суд тегишли қарор қабул қилади. Бундай асослар мавжуд бўлмаган ҳолда, суд ажрими (қарори)да ишнинг уларга доир қисми текширилганлиги ва уларга нисбатан чиқарилган суд қарорлари кучида қолдирилганлиги кўрсатилмайди.

21. Назорат инстанцияси суди, Олий суд Раёсати бундан мустасно, айнан бир ҳукм, ажрим, қарор устидан айнан бир маҳкум (оқланган шахс)га нисбатан берилган шикоят (протест) бўйича ишни, гарчи у бошқа асослар бўйича берилган бўлса ҳам, такроран кўриб чиқишга

ҳақли эмас. Айни пайтда назорат инстанцияси суди илгари назорат тартибида қарор қабул қилинмаган маҳкумга (оқланган шахсга) нисбатан ишни такроран кўриб чиқишга ҳақли.

22. Назорат инстанцияси суди, агар чиқарилган суд қарори моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ эканлигини аниқласа, уни ўзгаришсиз қолдиради.

Суд қарорини ўзгаришсиз қолдирганда назорат инстанцияси суди қуйидагиларга ҳақли:

ЖПК 533-моддаси биринчи қисми 3-бандида кўрсатилган асос мавжуд бўлганда — ҳукмнинг ижросини кечиктиришга;

амнистия актини қўллашга.

23. ЖПК 484-моддасида суд қарорлари бекор қилиниши ва ўзгартирилиши учун умумий асослар белгиланган бўлиб, назорат инстанцияси суди, ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда, уларни у ёки бу тарзда қўллаши мумкин.

Суд қарорлари қуйидаги ҳолларда, ўзгартирилиши шарт, агар:

суриштирув, дастлабки тергов ёки суд тергови тўлиқ бўлмаса ёки бир ёқлама олиб борилган бўлиб, бироқ йўл қўйилган кам-кўстлар тўлдирилганидан сўнг назорат инстанцияси суди жиноят квалификацияси ўзгартирилиши зарурлиги ҳақида хулосага келса;

ҳукмда, ажримда, қарорда баён қилинган суд хулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ бўлмай, бироқ назорат инстанцияси суди маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирмай туриб, уларга тегишли баҳо бера олса;

иш бўйича жиноят-процессуал қонуни нормалари бузилишига йўл қўйилган бўлиб, уларнинг назорат инстанциясида бартараф этилиши суд қарорлари ўзгартирилишига олиб келса;

суд томонидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (бундан буён матнда ЖК деб юритилади) нормалари нотўғри қўлланилган бўлиб, бироқ назорат инстанцияси суди бу хатони маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирмай туриб тузатиши мумкин бўлса;

назорат инстанцияси суди тайинланган жазони енгилаштириш зарур деб ҳисобласа.

Назорат инстанцияси судида камчиликларни тўлдириш ва процессуал қонун бузилишини бартараф этиш имконияти бўлмаса, суд қарорлари барча ҳолларда бекор қилиниши шарт.

24. Назорат инстанцияси суди ҳукми, ажримни, қарорни ўзгартириш учун асослар мавжуд бўлганда қуйидагиларга ҳақли:

қилмишни ЖК бошқа моддасига (бир неча моддаларига) қайта квалификация қилишга, агар бу маҳкумга биринчи инстанция суди ҳукмида, апелляция ёки кассация инстанцияси суди ажримида баён қилингандан жиддий фарқ қиладиган айблов қўйилишига ёки унга оғирроқ жазо тайинланишига олиб келмаса;

ҳукмдан айбловнинг бир қисмини (айрим эпизодларини) ёки маҳкумнинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи белгиларни чиқаришга;

ҳукмдан жиноятларнинг идеал мажмуи тарикасида қилмишни нотўғри баҳолаш туфайли ортиқча эълон қилинган ЖК моддасини чиқаришга;

ЖК 70-72-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда — маҳкумни жазодан озод қилишга ёки шартли ҳукм қўллашга;

ЖК Махсус қисми моддаси санкцияси доирасида ёки ЖК 57-моддасини қўллаган ҳолда жазо миқдорини камайтиришга ёки бошқа енгилроқ жазо (асосий ва қўшимча) тайинлашга;

жиноят натижасида етка-

зилган зарарни қоплаш миқдорини кўпайтириш ёки камайтиришга, шунингдек, ушбу масала суд томонидан ҳал этилмаган ҳолларда, бундай зарарни қоплаш тўғрисида қарор қабул қилишга, башарти бу жиноят квалификациясини маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган томонга ўзгартириш заруратини келтириб чиқармаса;

маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топишга ёки ҳукмдан уни ўта хавфли рецидивист деб топиш ҳақидаги қарорни чиқаришга;

маҳкумга нисбатан жазони ижро этиш колониясининг бошқа, шу жумладан қаттиқроқ турини белгилашга.

25. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, маҳкумга нисбатан жазони енгиллатишга ёки уни жазони ўташдан озод қилишга асос сифатида фақат иш бўйича аниқланган ва маҳкумга номутаносиб оғир жазо тайинланганлигидан далолат берувчи ҳолатлар олиниши мумкин. Ҳукм чиқарилгандан сўнг келиб чиққан ҳолатлар, шунингдек, маҳкумнинг жазони ўташ вақтидаги хулқ-атвори эса, ўз ўзидан суд қарорларининг ўзгартирилишига олиб келмаслиги лозим ва фақат ишнинг назорат тартибида кўриб чиқилиши учун бошқа асослар мавжуд бўлганда инobatга олиниши мумкин.

26. Назорат инстанцияси суди маҳкумга нисбатан жазони енгиллатиш масаласини ҳал қила туриб, уни нафақат камайтириши, балки енгилроқ жазо турига ҳам ўтиши мумкин. Бунда енгилроқ жазо муддати қонунда белгиланган доирада енгиллаштирилаётган жазо муддатидан ошиши мумкин (ЖК 61-моддасида назарда тутилган ҳисоблаш қоидалари инobatга олинган ҳолда).

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога нисбатан қўлланилган шартли ҳукм ўрнига суд жарима, муайян

ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш жазоси тайинлашга ҳақли.

Асосий жазо енгиллаштирилганда, шу жумладан, ЖК 57-моддаси қўлланилганда ҳам назорат инстанцияси суди қўшимча жазони ўзгаришсиз қолдириши мумкин.

27. ЖПК 494-моддаси биринчи қисми талабларига риоя этган ҳолда маҳкумнинг қилмиши ЖК бир моддасидан икки ва ундан ортиқ моддаларига қайта квалификация қилинганда, назорат инстанцияси суди суд қарорларига тегишли ўзгартиришлар киритиши ва ЖК 59-моддасида белгиланган қоидага мувофиқ жазо тайинлашга ҳақли. Бунда узил-кесил тайинланган янги жазо тури ва миқдори ҳукм бўйича тайинланган жазодан оғирроқ бўлиши мумкин эмас.

Агар ЖК бир моддаси билан квалификация қилиниши шарт бўлган икки ёки ундан ортиқ қилмиш ЖК бир неча моддаси билан нотўғри квалификация қилинган бўлса, назорат инстанцияси суди ушбу қилмишларни енгилроқ жиноят тўғрисидаги моддага қайта квалификация қилиб, унинг санкцияси доирасида мазкур модда бўйича тайинланган жазодан оғирроқ, бироқ узил-кесил тайинланган жазо миқдоридан кўп бўлмаган жазо белгилашга ҳақли.

28. Назорат инстанцияси суди ҳукм ва кейинги суд қарорлари ўзгартирилиб, бир ёки бир неча жиноят учун жазо енгиллаштирилганда, жиноятлар мажмуи бўйича ҳукмда қўлланилган қоплаш қоидаси ўрнига жазони қўшиш қоидасини қўллашга ҳақли. Бироқ, бунда ЖК 59-моддасига мувофиқ тайинланган жазо ҳукмда белгиланган жазо миқдоридан (кейинги суд инстанциялари томонидан киритилган ўзгартиришларни инobatга олган ҳолда) ошмаслиги лозим.

Агар суд томонидан бир

неча ҳукм бўйича жазо белгилашда бир жазони бошқаси билан қоплаш қоидаси қонунга хилоф тарзда қўлланилган бўлса ёки ўталмаган жазо муддатини қўшиш имконияти бўлмаса, назорат инстанцияси суди охириги ҳукм бўйича жазони енгиллаштирилганда олдинги ҳукм бўйича ўталмаган жазони қисман ёки тўлиқ қўшишга ҳақли. Бунда узил-кесил жазо ҳукмда белгиланган жазо миқдоридан (кейинги суд инстанциялари томонидан киритилган ўзгартиришларни инobatга олган ҳолда) ошмаслиги лозим.

29. Назорат инстанцияси суди ҳукмни, ажримни, қарорни бекор қилганда қуйидагиларга ҳақли:

ЖПК 83, 84-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, ишни тўлиқ ҳажмда ёки мустақил квалификация қилинган айблов қисми бўйича тугатишга;

ЖПК 484-моддасида назарда тутилган асослар бўйича, ишни апелляция ёки кассация тартибида янгидан кўриш учун юборишга ҳақли.

Назорат инстанцияси суди апелляция ёки кассация ажримини, шунингдек, кейинги суд қарорларини (агар улар чиқарилган бўлса), бекор қилиб, ишни апелляция ёки кассация инстанциясида янгидан кўриб чиқишга юбориши мумкин. Бунда иш бўйича қўлланилган эҳтиёт чораларини ўзгаришсиз қолдириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш масаласи ҳал этилиши шарт ҳисобланади.

30. Агар вояга етмаган шахсга нисбатан ишни кўришда назорат инстанцияси суди айбдор жинойи жазо қўллагандан ҳам ахлоқан тузатилиши мумкин, деган хулосага келса, у суд қарорларини бекор қилиб, ишни тугатишга ёки вояга етмаган шахсни жазодан озод этиб, унга нисбатан қонунда белгиланган мажбурлов чораларидан бирини (ЖК 87-мод-

даси) қўллашга ҳақли.

31. Жиноят-процессуал қонуни нормаларининг ҳукм бекор қилинишига сабаб бўлаган даражада жиддий бузилиши тушунчаси ЖПК 487-моддасида ифодаланган.

Жиноят-процессуал қонуни нормаларининг ҳукм бекор қилинишига сабаб бўлаган даражада жиддий бузилиши аниқланганда, назорат инстанцияси суди иш кимнинг шикоятти (протести) бўйича кўрилади (протести) қатъи назар, йўл қўйилган қонун бузилиши дахл этган барча маҳкумларга нисбатан суд қарорларини бекор қилиши шарт.

Бундай талабга нафақат ЖПК 487-моддаси иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган қонун бузилишлари аниқланганда, балки ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, яъни жиноят-процессуал қонуни нормаларининг бошқача тарзда бузилиши айбланувчи, судланувчи ва процесс бошқа иштирокчиларини қонунда белгиланган ҳуқуқларидан маҳрум қилган ёки чеклаган, судга иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона аниқлашга ҳалал берган ҳамда қонуний ва асосли ҳукм чиқаришга бошқача тарзда таъсир этган ёки таъсир этиши мумкин бўлган ҳолда ҳам (айб эълон қилинмаганлиги, судланувчига айблов ҳулосаси нусхасининг берилмаганлиги, қонунга кўра ўтказилиши шарт бўлган экспертиза ўтказилмаганлиги, судланувчига охириги сўз берилмаганлиги ва бошқалар) ривож этилиши лозим.

Шуни назарда тутиш лозимки, жиноят-процессуал қонуни нормалари жиддий бузилганлигининг аниқланиши назорат инстанцияси судини шикоятда (протестда) келтирилган бошқа важдлар (айбловнинг исботланганлиги, квалификациянинг тўғрилиги, жазонинг адолатлилиги тўғрисида ва ҳ.к.)ни ҳам

мазмунан кўриб чиқиш ва улар бўйича ажримда (қарорда) тегишли ҳулоса чиқариш мажбуриятидан озод этмайди.

Жиноят иши бўйича йўл қўйилган жиноят-процессуал қонунининг бузилиши ҳоллари назорат инстанцияси суди томонидан суд қарорлари бекор қилиниб, ишнинг ЖПК 83, 84-моддаларига мувофиқ тугатилишига тўсик бўлмайди.

32. Бошқа эпизодлар билан умумий квалификация қилинган бир ёки бир неча эпизод (масалан, бир неча марта пора олганлик) бўйича иш ҳолатлари тўлиқ текширилмаган деб топилганда, агар уларни суд қарорларидан чиқариш учун етарли асослар ёки йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш учун имконият бўлмаса, назорат инстанцияси суд қарорларини бекор қилиб, ишни апелляция ёки кассация тартибидан янгидан тўлиқ ҳажмда кўриш учун юбориши керак.

Агар маҳкум ЖК турли моддалари бўйича квалификация қилинган бир неча жиноятни содир этганликда айбдор деб топилган бўлиб, улардан ҳар бирини алоҳида кўриш имконияти бўлса, назорат инстанцияси суди суд қарорларининг бир ёки бир неча жиноятга оид қисмини бекор қилиб, ишнинг шу қисмини апелляция ёки кассация тартибидан янгидан кўриш учун юборишга, айти пайтда, ўша маҳкумга нисбатан суд қарорларининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришга ҳақли.

Агар назорат инстанцияси суди суд қарорларининг маҳкумлардан бирига доир қисмини бекор қилиб, ишнинг шу қисмини апелляция ёки кассация тартибидан янгидан кўриш учун юбориш тўғрисида фикрга келса ва ишнинг шу қисмини ЖПК 332, 416, 417-моддалари мазмунидан келиб чиқиб ажратишнинг им-

кони бўлмаса, суд қарорлари тўла ҳажмда бекор қилиниши керак.

33. Шахсни жиноий жавобгарликдан озод этишни назарда тутувчи амнистия актига зид равишда ёки жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтгандан сўнг жиноят иши қўзғатилган ҳолларда, суд қарорлари, гарчи уларда маҳкум жазодан озод қилинган бўлса ҳам, бекор қилиниб, иш тугатилиши керак.

Агар назорат инстанцияси маҳкумнинг ҳаракатларини ЖК бошқа моддасига қайта квалификация қилиш кераклиги тўғрисида ҳулосага келса ва бу модда шахсни жазодан озод этишни назарда тутувчи ёки жазо қўлланилишини истисно этувчи амнистия акти таъсири доирасига тушса, назорат инстанцияси биринчи, апелляция ёки кассация инстанцияси суди қабул қилиши шарт бўлган қарор чиқариши керак. Маҳкумнинг ҳаракатлари ЖК бошқа моддасига қайта квалификация қилиниб, бу модда бўйича шахс ЖПК 463-моддаси иккинчи қисми 2-банди ҳамда учинчи қисми 2 ва 5-бандларига мувофиқ жазодан озод қилиниши лозим бўлган ёки унга нисбатан жазо тайинлиши истисно этилган ҳолларда ҳам шундай қарор қабул қилиниши лозим.

34. Агар амнистия акти суд томонидан қўлланилиши мумкин бўлмаган маҳкумга нисбатан қўлланилган бўлса, назорат инстанцияси суди жабрланувчининг шикоятти ёки протест бўлган тақдирда, суд қарорларининг жазо тайинлаш қисмини бекор қилиб, ишни апелляция ёки кассация тартибидан янгидан кўриш учун юбориши лозим.

Бироқ, агар назорат инстанцияси амнистия акти қўлланилган ҳолда ҳукм (ажрим, қарор)да тайинланган жазо амнистия акти қўлланилмаган ҳолда ҳам маҳкум учун етарли деб топса, ишни

апелляция ёки кассация тартибида янгидан кўриш учун юбормасдан, ҳукм (ажрим, қарор)ни ўзгартиришга — ундан амнистия актини қўллаш ҳақидаги хулоса ва қарорни чиқариб, амнистия акти қўлланилган ҳолда тайинланган жазони қолдиришга ҳақли.

35. ЖПК 494-моддаси иккинчи қисми мазмунига кўра, ҳукм (ажрим, қарор) назорат инстанцияси суди томонидан маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирувчи томонга фақат шикоятда (протестда) кўрсатилган асослар бўйича бекор қилиниши мумкин. Масалан, агар шикоятда (протестда) фақат маҳкумнинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги тўғрисидаги масала қўйилган бўлса, суд қарори жазонинг энгиллиги сабабли бекор қилиниши мумкин эмас.

Маҳкум ёки унинг ҳимоячисининг бошқа маҳкумларга нисбатан оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаш ёки жазонинг энгиллиги тўғрисидаги шикояти ҳукм (ажрим, қарор)ни маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирувчи томонга ўзгартириш учун сабаб бўлмайди.

36. Назорат инстанцияси суди ишни апелляция ёки кассация тартибида янгидан кўришга юбориш пайтида айбловнинг исботланганлиги ёки исботланмаганлиги, у ёки бу далилнинг ишончли ёки ишончсизлиги, айрим далилларнинг бошқа далиллардан устунлиги, жиноятнинг квалификацияси ва жазо тўғрисидаги суд хулосаларини олдиндан ҳал қилиб кўядиган кўрсатмалар беришга ҳақли эмас.

Назорат инстанцияси суди, ҳукм (ажрим, қарор)ни бекор қилиб, ишни апелляция ёки кассация тартибида янгидан кўриш учун юбораётганда, ўз қарори (ажрими)да қандай ҳолатлар ҳукм (ажрим, қарор)нинг бекор қилинишига асос бўлганлигини ва йўл қўйилган қонун бузи-

лиши қандай бартараф этилиши кераклигини кўрсатиши шарт.

37. Суд қарорлари бекор қилиниб, иш апелляция ёки кассация тартибида янгидан кўриш учун юборилганда ёки янги ҳукм чиқарилганда назорат инстанцияси суди ЖПК 490-моддасига кўра биринчи, апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси судининг барча қарорларини бекор қилади.

38. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, оқлов ҳукмининг асоси фақат бу ҳақда оқланган шахс шикояти ёки прокурор протести берилган ҳолда ўзгартирилиши мумкин (ЖПК 494-моддаси).

Оқлов ҳукми назорат инстанцияси суди томонидан, фақат шахс асоссиз оқланганлиги тўғрисида жабрланувчи ёки унинг вакили шикояти ёхуд прокурор протести бўлган ҳолда бекор қилиниши мумкин.

Айрим оқланган шахсларга нисбатан протест берилиши бошқа оқланган шахсларга нисбатан ҳукмнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлмайди.

39. Агар иш назорат тартибида кўрилганда суд қарорлари бекор қилиниб, иш маҳкумнинг жиноят содир этилишига дахлдор эмаслиги туфайли тугатилиб, бироқ бу жиноятни содир этган шахс аниқланмай қолса, суд ишни ЖПК 464-моддаси талабларидан келиб чиқиб, айбланувчи тариқасида жиноятни содир этган шахсни аниқлаш юзасидан чора кўриш учун прокурорга юбориши керак.

40. Агар маҳкум шикоят (протест) билдирилгандан сўнг, бироқ иш назорат инстанциясида кўрилгунга қадар вафот этса, иш юритиш умумий асосларда давом эттирилади.

Марҳумни реабилитация қилиш учун асослар бўлган тақдирда назорат инстан-

цияси суди айблов ҳукми-ни бекор қилиб, ушбу шахсга нисбатан жиноят ишини ЖПК 83-моддасига мувофиқ тугатади.

Иш тугатилганда ашёвий далиллар тақдири ҳақидаги масала ЖПК 211-моддасига мувофиқ уларнинг тегишлилиги тўғрисида низо келиб чиққанда эса фуқаролик иш юритув тартибида кўрилиши мумкин. Марҳумнинг ҳаракатлари билан етказилган зарарни ундириш масаласи ҳам жабрланувчи ёки прокурор томонидан марҳумнинг ворисларига ёки унинг мулкани бошқариш ҳуқуқини ўзига олган шахсга нисбатан кўзгатирилган даъво бўйича фуқаролик иш юритув тартибида кўрилади.

41. Назорат инстанцияси суди ҳукмнинг фуқаровий даъвога оид қисми нотўғрилигини аниқласа, унга тегишли ўзгартиришлар киритиши, жумладан, ундирув миқдорини кўпайтириши мумкин, башарти иш бўйича далиллар тўплаш ёки уларни қўшимча текшириш зарурати бўлмаса ва иш ҳолатлари биринчи, апелляция, кассация инстанцияси суди томонидан тўла ва тўғри аниқланиб, бироқ моддий қонун нормаларини қўллашда хатога йўл қўйилган бўлса.

Агар фуқаровий даъво бўйича ундирув миқдорини кўпайтириш жиноят квалификациясини ёки айблов мазмунини маҳкумнинг ҳолатини оғирлаштириш томонига ўзгартиришни тақозо этса, суд қарорлари фақат жабрланувчи ёки унинг вакили шикояти ёхуд прокурор протести мавжуд бўлганда, ЖПК 513-моддаси талабларига риоя этилган ҳолда бекор қилиниши лозим.

42. Иш назорат тартибида кўриб чиқиляётганда шикоят (протест) билан бирга тақдим этилган қўшимча материаллардан, башарти улар суд мажлисида текширилган ҳолатларга дахлдор бўлса ва



янги очилган ҳолатлар мавжудлигидан далолат бермаса, фойдаланилиши мумкин.

Қўшимча материаллар ишда мавжуд далиллар билан қўшилган ҳолда баҳоланади ва улар билан бирга фақат суд қарорларини бекор қилиб, ишни апелляция ёки кассация тартибида янгидан кўриш учун юбориш лозимлиги тўғрисидаги қарор асосига қўйилиши мумкин. Ишни апелляция ёки кассация тартибида янгидан кўриш учун юбориш лозимлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, суд иш ҳолатлари тўла ва ҳар томонлама текширилиши ва айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи таъминланиши заруратидан келиб чиқиши лозим.

Суд қарорлари бекор қилиниб, иш тугатилганда назорат инстанцияси суди ўз ажрими (қарори)да фақат биринчи, апелляция ёки кассация инстанцияси суди томонидан аниқланган ва маҳкумининг жавобгарлигини истисно этувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатларга таяниши мумкин.

Қўшимча материаллар асосида ҳукм ва кейинги суд қарорлари ўзгартирилиши ёки бекор қилиниб, иш тугатилишига йўл қўйилмайди, бундай материаллар билан аниқланадиган фактлар ҳаққонийлиги биринчи, апелляция ёки кассация инстанцияси суди томонидан текширилиши талаб этилмайдиган ҳоллар бундан мустасно (маҳкум жиноий жавобгарлик келиб чиқадиган ёшга етмаганлиги тўғрисидаги, муқаддам судланмаганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар ва ҳ.к).

43. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, суд қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқишга фақат иш материалларидан келиб чиқадиган асослар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади. Агар суд қарорининг қонунийлиги ва асослиги хусусидаги шубҳалар судга маълум бўлмаган ва тегиш-

ли ҳукм, ажрим ёки қарор қонуний кучга киргандан сўнг аниқланган ҳолатлар билан боғлиқ бўлса, бундай суд қарорини қайта кўриб чиқиш масаласи фақат янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритиш тартибида ҳал этилиши мумкин. Агар бундай ҳолларда назорат тартибида протест билдирилган бўлса, назорат инстанцияси суди уни кўрмасдан қолдиради ва ишни барча материаллар билан бирга прокурорга янги очилган ҳолат бўйича иш юритишни қўзғатиш учун юборади (ЖПК 522-моддаси).

44. Назорат инстанциясининг ажрими (қарори) аниқ, батафсил, юридик жиҳатдан асослантирилган бўлиши ва унда биринчи, апелляция (кассация), назорат инстанцияларининг айб ҳажми ва исботланганлиги, жиноят квалификацияси, ҳукм бўйича тайинланган жазонинг адолатлиги хусусидаги қарорлари тўғрилиги ёки ҳатолигига доир хулосалар баён этилиши шарт.

ЖПК 496-моддасига мувофиқ ажрим (қарор)да ҳукмининг қарор қисми мазмуни билан бир қаторда протест моҳияти, прокурор фикрининг ва ишда иштирок этувчи шахслар тушунтиришларининг қисқача баёни, назорат инстанцияси судининг шикоят (протест) важлари асослиги тўғрисидаги хулосаси, қабул қилинган қарорнинг сабаблари моддий ёки процессуал қонунга ҳавола этилган тарзда кўрсатилиши лозим. Суд қарорлари бекор қилиниб, иш апелляция ёки кассация тартибида янгидан кўриш учун юборилганда, ажрим (қарор)да қайси ҳолатлар қўшимча

тарзда аниқланиши лозимлигини суд аниқ кўрсатиши шарт.

Назорат инстанцияси су-дининг ажрими (қарори) у эълон қилинган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижрога қаратилиши шарт.

45. ЖПК 298-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, шунингдек, суриштирув, дастлабки тергов юритилган ёки суд муҳокамаси вақтида қонун бузилишига йўл қўйилганлигини аниқлаган тақдирда, назорат инстанцияси суди хусусий ажрим (қарор) чиқариш йўли билан тегишли орган ёки мансабдор шахсининг эътиборини бунга жалб этади.

Суд қарори ўзгаришсиз қолдирилганда, назорат инстанцияси суди унинг қонунийлиги ва асослигини шубҳа остига олувчи хусусий ажрим чиқаришга ҳақли эмас.

46. Одил судлов сифатини ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга ишларнинг апелляция, кассация инстанциясида синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона кўриб чиқилиши учун қонунда берилган барча имкониятлардан фойдаланиш тавсия этилсин.

47. Мазкур қарор қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини назорат тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги 12-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди раиси**

**К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби,**  
**Олий суд судьяси**

**И. АЛИМОВ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ  
Қ А Р О Р И

2019 йил 24 май

№ 12

Тошкент шаҳри

## Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси янги таҳрирда қабул қилиниши, суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан ҳамда қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига асосланиб Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) 6-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ҳал қилув қарори биринчи инстанция суди томонидан ишни даъво ва алоҳида иш юритиш тартибида мазмунан кўриш натижалари бўйича қабул қилинадиган суд ҳужжатининг шаклларида бири ҳисобланади.

Ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилинади ва барча давлат органлари ва бошқа органлар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сўзсиз ижро этилиши лозим (ФПК 16-моддаси).

2. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ФПК 14-моддасига мувофиқ суднинг ҳал қилув қарори қонунга асосланган бўлиши лозим. Бошқа қонун ҳужжатларининг қўлланилишига, агар улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид бўлмасагина, йўл қўйилади.

Қонунда ёки бошқа қонун ҳужжатида низоли муносабатни тартибга соладиган ҳуқуқ нормалари мавжуд бўлмаган тақдирда, суд шунга ўх-

шаш муносабатларни тартибга соладиган қонун ёхуд бошқа қонун ҳужжати нормаларига асосланган ҳолда қарор қабул қилади (қонун ўхшашлиги), бундай нормалар мавжуд бўлмаганда эса, низони қонунларнинг умумий асослари ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳал этади (ҳуқуқ ўхшашлиги).

3. Ҳал қилув қарори, у процессуал ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилинган ҳолда ва ушбу ҳуқуқий муносабатга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган моддий ҳуқуқ нормаларига мос равишда қабул қилинган, зарур ҳолларда қонун ўхшашлиги ёки ҳуқуқ ўхшашлигини қўллашга асосланган бўлсагина, қонуний ҳисобланади.

4. Судларга тушунтирилсинки, ҳал қилув қарори, унда иш учун аҳамиятга эга бўлган фактлар, суд томонидан текширилган далиллар билан тасдиқланган, уларнинг алоқадорлиги ва мақбуллиги қонун талабларига жавоб берадиган ёки суд ҳаммага маълум деб топган, исботлашга муҳтож бўлмаган ҳолатлар, шунингдек, аниқланган фактлардан келиб чиқадиган яқиний хулосалар акс эттирилганда, асослантирилган ҳи-

собланади (ФПК 73-75-моддалари).

Суд топширигини юбориш орқали далиллар тўпланганда, суд ҳал қилув қарорини ушбу далилларни ҳисобга олган ҳолда, агар улар ФПК 104-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда олинган, суд мажлисида эълон қилинган, ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган ва бошқа далиллар мажмуи билан бирга баҳоланган тақдирдагина, асослаши мумкин.

5. ФПК 249-моддасининг учинчи қисмига кўра, судья ҳал қилув қарорини алоҳида хонада (маслаҳатхонада) ишнинг муҳокамаси тугаганидан кейин дарҳол қабул қилиши шарт.

Судларнинг эътибори асослантирилган ҳал қилув қарорини тайёрлашни кечиктирилиши истисно ҳолларда, ўта мураккаб ишлар бўйича беш кундан ортиқ бўлмаган муддатга йўл қўйилишига қаратилсин. Бундай ҳолларда ҳал қилув қарорининг фақатгина кириш ва хулоса қисмлари тайёрланади.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисми иш муҳокамаси таъминланган суд мажлисининг ўзида судья томонидан имзо-

ланади, ўқиб эшиттирилади ва ишга қўшиб қўйилади.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисми эълон қилинганда, раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслар, уларнинг вакиллари асослантирилган ҳал қилув қарори билан қачон танишишлари мумкинлигини тушунтириши шарт ва бу суд мажлиси баённомасида акс эттирилади.

Асослантирилган ҳал қилув қарорининг кириш ва хулоса қисмлари иш муҳокамаси тугалланган куни эълон қилинган, матни тўлиқ бўлмаган, ҳал қилув қарорининг кириш ва хулоса қисмига сўзма-сўз мос келиши лозим.

Иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг санаси, у эълон қилинган кун ҳисобланади.

6. Судларнинг эътибори ФПК 253-моддасига мувофиқ суднинг ҳал қилув қарори кириш, баён, асослантирувчи ва хулоса қисмлардан иборат бўлишлигига қаратилсин.

7. Ҳал қилув қарорининг кириш қисмини тузишда ФПК 253-моддасининг иккинчи қисмига амал қилиш лозим.

Хусусан, ҳал қилув қарорининг кириш қисмида иш рақами, ҳал қилув қарорининг қабул қилинган вақти ва жойи, ҳал қилув қарори қабул қилган суднинг номи, судьянинг фамилияси, исми ва отасининг исми, суд мажлисининг котиби, тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, уларнинг вакиллари, шунингдек, низо предмети ёки арз қилинган талаб кўрсатилади.

Тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг шахсига доир маълумотлари шахсни тасдиқловчи ҳужжатлардаги (паспорт, ҳарбий билет, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, яшаш учун гувоҳнома) ёзувларга мувофиқ кўрсатилиши лозим.

Агар тараф юридик шахс

бўлса, унинг номи давлат рўйхатида олиш ҳақидаги ҳужжатларга мувофиқ кўрсатилиши керак.

8. Ҳал қилув қарорининг баён қисмида, ФПК 253-моддасининг учинчи қисмидаги талаблардан ташқари, арз қилинган талабларнинг қисқа шаклдаги мазмуни баён этилади. Бунда, ҳал қилув қарорининг матнини ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмаган ҳолатлар билан тўлдиришни олдини олиш учун, даъво ва даъвога эътирозни сўзма-сўз баён этилишига йўл қўйилмайди.

Даъвогар томонидан даъвонинг асоси ёки предмети ўзгартирилган ёхуд унинг миқдори камайтирилган, жавобгар томонидан қарши даъво тақдим этилган тақдирда, бу ҳам ҳал қилув қарорининг баён қисмида акс эттирилиши лозим.

Бундан ташқари, ҳал қилув қарорининг баён қисмида жавобгарнинг даъвои тўлиқ ёки қисман тан олганлиги, унинг даъвога нисбатан эътирозлари ҳақида кўрсатилиши, шунингдек, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришлари баён этилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг баён қисмида маслаҳатхонасида ҳал қилув қарори қабул қилиш пайтида суд томонидан ҳал қилиниши лозим бўлган арз қилинган илтимосномалар (даъво муддатини қўллаш, неустойкани камайтириш, ҳал қилув қарорини дарҳол ижрога қаратиш ҳақидаги ва бошқалар) ҳам баён этилади.

9. ФПК 253-моддасининг тўртинчи қисмига асосан ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида суд томонидан аниқланган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар кўрсатилиши лозим. Ҳал қилув қарорида суд фойдасига ҳал қилув қарори қабул қилган тарафнинг вақти ва далиллари-

ни бир томонлама баён этилишига йўл қўйилмайди. Суд қайси асосларга кўра бошқа тарафнинг вақти суд томонидан қабул қилинмаганлигини кўрсатиши шарт.

Суд суд мажлисида текширилган далилларни ФПК 80-моддасида назарда тутилган қоидаларга риоя қилган ҳолда баҳолайди.

10. ФПК 80-моддасининг тўртинчи қисмига биноан ҳеч бир далил суд учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмаслиги сабабли, экспертнинг хулосаси бошқа далиллар олдида устунликка эга бўлмайди ва суд учун мажбурий ҳисобланмайди. У бошқа далиллар мажмуи билан бирга баҳолалиши лозим.

Экспертнинг хулосасига ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида баҳо берилиши лозим. Бунда суд экспертнинг хулосаси нимага асосланганлигини, экспертизага тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ текширилган ёки текширилмаганлигини ва у томонидан тегишинча таҳлил қилинган ёки қилинмаганлигини кўрсатиши лозим. Суд эксперт хулосасига қўшилмаслигини ҳал қилув қароридан асослантириши керак.

Тараф экспертизада иштирок этишдан бош тортганда ва мазкур тарафнинг иштирокисиз экспертиза ўтказиш имконияти бўлмаса, аниқланиши учун экспертиза тайинланган фактни аниқлаш масаласи суд томонидан ФПК 95-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳал этилади.

ФПК 98-моддасининг иккинчи қисми мазмунига кўра, экспертнинг суд мажлисида берган оғзаки тушунтиришлари, фақатгина у томонидан дастлаб берилган ёзма хулосани тушунтиришга оид қисми бўйича далил бўлиши мумкин.

11. ФПК 75-моддасининг

иккинчи қисмига кўра, бир фуқаролик иши бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган фактлар худди шу шахслар ўртасидаги бошқа фуқаролик ишини кўраётган суд учун мажбурий ҳисобланади. Кўрсатилган ҳолатлар низолашилмайди ва янгидан исбот қилинмайди.

Иқтисодий ёки маъмурий суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатлар худди шу шахслар иштирокидаги бошқа фуқаролик ишини кўраётган суд учун ҳам шундай аҳамиятга эга.

(ФПК 75-моддасининг учинчи қисми).

ФПК 75-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, жиноят иши бўйича қонуний кучга кирган суд ҳукми суд томонидан ҳукм этилган шахс ҳаракатларининг фуқаролик-ҳуқуқий оқибатлари тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган суд учун фақат шу ҳаракатлар содир этилган ёки этилмаганлиги ва улар мазкур шахс томонидан содир этилган ёки этилмаганлиги масалалари юзасидангина мажбурийдир.

Бундай жиноят ишидан келиб чиқувчи даъвони кўраётган суд жавобгарнинг айблилиги масаласини муҳокама қилишга ҳақли бўлмасдан, балки фуқаролик иши муҳокамасида текширилган, зарарнинг миқдорини (хусусан, жавобгарнинг мулкӣ аҳволи ёки жабрланувчининг айбини ҳисобга олиш) белгилашга таъсир қиладиган далилларга ўзгача баҳо беришга ҳақли.

12. Суд ҳал қилув қарорида иш учун аҳамиятга эга у ёки бу ҳолатлар тасдиқланадиган далилларни кўрсатиб ўтилиши билан чегараланмасдан, балки бу далилларнинг мазмунини баён этиши шарт.

Агар суд далилларга баҳо бериб, тарафлар ўзларининг

талаб ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатлар у ёки бу фактик маълумотлар билан тасдиқланмаганлигини аниқласа, ҳал қилув қарорида бу ҳақдаги хулосасини асослантириши лозим.

Суд мажлисида тарафнинг низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган далилни сақлаётганлиги ва суднинг сўрови бўйича тақдим этмаётганлиги факти аниқланганда, суд ФПК 72-моддасининг биринчи қисми талабларини ҳисобга олиб, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ушбу далилда мавжуд бўлган маълумотларни далиллар мажмуидан келиб чиқиб баҳолайди.

13. ФПК 44-моддасининг иккинчи қисми ва 254-моддасига мувофиқ суд ишни даъвогар томонидан арз қилинган талаблар доирасида ҳал қиладди ва ўзининг ташаббусига кўра даъво предмети ёки асосини ўзгартиришга ҳақли эмас. Суд фақатгина даъвогарнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур деб топса, шунингдек, қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда, даъвогарнинг арз қилган талаблари доирасидан четга чиқишга ҳақли.

Даъво предмети моддий-ҳуқуқий мазмунга эга бўлган, даъвогар (аризачи) томонидан тақдим этилаётган, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ёки қонуний манфаатларини бузиш ёки бузилиш таҳдидининг моҳиятини кўрсатадиган талабларда ифодаланади.

Даъвонинг асоси сифатида манфаатдор шахс томонидан кўрсатилаётган, даъво предмети ҳисобланган, моддий-ҳуқуқий муносабатни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилишга олиб келувчи фактларни тушуниш лозим.

Талабнинг ҳажмига аниқлик киритиш ҳақида сўз юритила-

ётганлиги боис, даъво талаблари миқдорининг оширилиши ёки камайтирилиши даъво предметини ўзгартириш сифатида кўрилиши мумкин эмас.

14. ФПК 44-моддасига мувофиқ даъвони тан олиш жавобгарнинг ҳуқуқи ҳисобланади. Агар жавобгарнинг даъвони тан олиши қонунга зид бўлса, бирор-бир шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузса, суд даъвони тан олишни қабул қилишни рад қилиши мумкин (ФПК 169-моддасининг биринчи қисми, 226-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмлари).

15. Суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида низоли ҳуқуқий муносабатни ҳал қилишда суд томонидан қўлланилган моддий қонун нормасини ва ишни кўришда суд қўлланган процессуал қонун нормаларини кўрсатиши шарт. Зарур ҳолларда суд у ёки бу ҳуқуқ нормаларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришларни ўз ичига олган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларига ҳавола қилиши мумкин.

Даъво муддати ўтказилганлиги муносабати билан даъво рад қилинганда, шу жумладан, уларни ўтказиш сабаблари узрсиз деб топилганда, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ушбу ҳолатни кўрсатилиши етарли бўлади.

16. Ҳал қилув қарорининг хулоса қисми асослантирувчи қисмда аниқланган фактик ҳолатлардан келиб чиқувчи, бунда ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига доир масалага даҳл қилмаган ҳолда, даъвони қаноатлантириш ёки даъвони қисман ёки тўлиқ рад қилиш ҳақидаги суднинг якуний хулосаларини ўз ичига олиши лозим.

Ушбу қисмда суд дастлабки

даъво бўйича ҳам, қарши даъво бўйича ҳам қандай қарор қабул қилганлигини аниқ ва тушунарли баён этиши лозим.

Хал қилув қарорини ижро қилишда қийинчиликлар тугдирмаслиги учун, суд томонидан ФПК 251-моддасида кўрсатилган бошқа масалалар ҳам ҳал қилиниши лозим.

Ижроси маълум шартнинг келиб чиқишига боғлиқ бўладиган ҳал қилув қарорлари қабул қилинишига ҳамда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмига талабларнинг мазмунан кўрилмаган қисми бўйича хулосаларнинг киритилишига йўл қўйилмайди. Суднинг бундай талаблар бўйича хулосалари ҳал қилув қароридан алоҳида, ажрим шаклидаги суд ҳужжатида (кўрмасдан қолдириш, иш бўйича иш юритишни тугатиш) баён этилади.

Хал қилув қарорининг хулоса қисмида суд харажатларини тақсимлаш масаласи, ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш муддати ва тартиби ҳам кўрсатилиши лозим.

Судларнинг эътибори қабул қилинган ҳал қилув қарорининг мазмуни, у эълон қилингандан сўнг раислик қилувчи томонидан тушунтирилиши лозимлигига қаратилсин.

17. У ёки бу ҳуқуқни тан олиш ҳақидаги ишлар бўйича даъво қаноатлантирилганда, суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида нафақат ҳуқуқнинг мавжудлиги тўғрисида, балки бундай тан олишнинг ўзидан кейин олиб келадиган ҳуқуқий оқибатларини кўрсатиши шарт (масалан, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда никоҳ қайд қилинганлиги ҳақидаги далолатнома ёзуви бекор қилинади).

18. Мол-мулк натура тарзида ундириб берилганда, суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида мулкнинг ўзига хос маълум белгилари ва қийматини кўрсатади.

Умумий мулкни бўлиш ёки бундай мулкдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги низоларни кўришда (ер участкалари, уй-жой ва бошқалар), суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ҳар бир тарафга бериладиган мулкнинг чегараси ва ўлчамини, чиқиш жойларини жиҳозлашни, тўсиқларни ўрнатишни, биноларни қайта планлаштириш тартибини, ўтиш жойларининг чегараси ва ўлчамини, тарафларнинг умумий фойдаланишида қолган мулкнинг чегараси ва ўлчамини ҳамда эътиборга молик бошқа ҳолатларни аниқ ва тушунарли кўрсатиши шарт.

19. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг мазмуни ФПК 253-моддасининг қоидалари билан белгиланади (ФПК 283-моддаси). Қонунда кўрсатилган, ҳал қилув қарорининг мазмунига мос келадиган умумий талаблардан ташқари, сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ушбу ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш муддати ва тартиби кўрсатилиши лозим.

20. Судларнинг эътибори, қонунга кўра (ФПК 260-моддаси) ҳал қилув қарори ўқиб эшиттирилганидан кейин шу қарорни қабул қилган суд томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин эмаслигига қаратилсин.

Шу билан бирга, суд қуйидаги ҳолларда ўзи қабул қилган ҳал қилув қарорини бекор қилишга ҳақли:

иш сиртдан иш юритиш тартибда кўрилганда (ФПК 286-моддаси);

қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришда (ФПК 443-моддаси);

фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки вафот этган деб эълон қилиш ҳақи-

даги ариза кўрилганда (ФПК 309-моддаси).

21. ФПК 261-моддасига кўра, ҳал қилув қарори қабул қилган суд ҳал қилув қарори ёзувида йўл қўйилган хатоларни ёки очиқ кўриниб турган арифметик хатоларни ўз ташаббуси ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига кўра тузатиши мумкин ва бу ҳақда ажрим чиқаради.

Кўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш ёки бошқа математик ҳисоблашларда йўл қўйилган хатолар очиқ кўриниб турган арифметик хатолар ҳисобланади.

Хал қилув қарорида, шу жумладан, қонунни нотўғри қўллаш ёки тушуниш натижасида йўл қўйилган бошқа барча хатолар, фақатгина юқори инстанция суди томонидан қонунда белгиланган тартибда тузатилиши мумкин.

Суднинг ҳал қилув қарорига тузатиш киритиш масаласи суд томонидан ижро босқичида ҳам, лекин қонунда белгиланган, мажбурий ижрога тақдим этиш мумкин бўлган муддат доирасида ҳал қилиниши мумкин.

22. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, кўшимча ҳал қилув қарори фақатгина қонунда тўғри назарда тутилган ҳолларда чиқарилиши мумкин (ФПК 262-моддаси). Суд кўшимча ҳал қилув қарори чиқариш кўринишида ҳал қилув қарорининг мазмуни ўзгартиришга ёхуд суд мажлисида ўрганилмаган янги масалаларни ҳал қилишга ҳақли эмас.

Кўшимча ҳал қилув қарори ишни кўрган суд томонидан, фақатгина ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунига қадар чиқарилиши мумкин. Шуни назарда тутиш лозимки, кўшимча ҳал қилув қарори чиқариш масаласи судьяларнинг бошқа таркибида ҳам кўрилиши мумкин.

Кўшимча ҳал қилув қарорини чиқариш тўғрисидаги масала ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай қўйилиши мумкин. Кўрсатилган муддат суд томонидан узрли деб топилган сабабларга кўра ўтказилган ҳолда, у ФПК 155-моддаси қоидаларига мувофиқ тикланиши мумкин.

Агар суднинг ҳал қилув қарорига нисбатан апелляция шикоятни берилган ёки протест келтирилган бўлса ва бир вақтнинг ўзида қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш масаласи қўйилган бўлса, суд дастлаб қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш масаласини ҳал этади, шундан сўнг ишни апелляция инстанцияси судига юборади.

23. Ҳал қилув қарори тушунарсиз бўлган тақдирда, ишни ҳал қилган суд ўз ташаббуси билан ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризаси бўйича ҳал қилув қарорини ФПК 263-моддасида назарда тутилган тартибда, ажрим чиқариш йўли билан тушунтириши мумкин.

Ҳал қилув қарорини тушунтиришда суд унинг мазмунини ўзгартиришга ва ҳал қилув қароридан ҳал қилинмаган масалаларга тўхтаб ўтишга ҳақли эмас.

Ҳал қилув қарорини, у ижрога қаратилгунга қадар, лекин қонунда белгиланган муддат доирасида ва у мажбурий ижро қилиниши мумкин бўлган муддат давомида тушунтиришга йўл қўйилади.

24. Ёзувдаги ва очиқ кўриниб турган арифметик хатоларни тузатиш, қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш, ҳал қилув қарорини тушунтириш ҳақидаги аризаларни кўришда суд ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида хабардор қилади. Бироқ уларнинг келмаганлиги ушбу масала-

ларни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

25. Ҳал қилув қарори, дарҳол ижро этиш ҳолатларидан ташқари, у қонуний кучга кирганидан сўнг ижрога қаратилади (ФПК 266-моддаси).

Ҳал қилув қарори қонун бўйича (ФПК 266-моддаси) дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳолларда ёки ҳал қилув қарорининг дарҳол ижрога қаратилиши суд томонидан йўл қўйилган бўлса (ФПК 267-моддаси), бу ҳақда ҳал қилув қарорининг асослантирувчи ва хулоса қисмида кўрсатилади. Суднинг ҳаволаси бўйича ҳал қилув қарорини дарҳол ижрога қаратиш зарурияти, ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ундирувчи учун кўп зарар келтириши мумкин бўладиган ёки ижро этиш мумкин бўлмай қоладиган ҳолатлар келтирилган ҳолда асослантирилиши лозим (масалан, даъвогарга ундирилган мулкнинг йўқотилиши ёхуд бегоналаштирилиши).

Зарур ҳолларда суд, даъвогарнинг розилиги билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинганда, унинг қайтарма ижросини таъминлаш чораларини кўриши мумкин (ФПК 106-моддаси).

Суд ҳал қилув қарорини дарҳол ижрога қаратиш масаласини у қабул қилинганидан сўнг ҳам, ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқиши мумкин. Бироқ, уларнинг келмаганлиги ушбу масалани ҳал қилиш учун тўсқинлик қилмайди.

Ҳал қилув қарорини дарҳол ижрога қаратиш ҳақида-

ги ажрим маслаҳатхонада чиқарилади ва ишга қўшиб қўйилади.

26. Шуни назарда тутиш керакки, ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаси тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга имзо қўйдириб топширилади ёки почта орқали ёхуд электрон ҳужжат тарзида юборилади.

Суд мажлисига келмаган тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаси у қабул қилинган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай почта орқали ёки электрон ҳужжат тарзида юборилади.

Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ёпиқ суд мажлисида қабул қилинганлардан ташқари, суднинг расмий веб-сайтида фақатгина тарафларнинг розилиги асосида ёки шахсизлантирилган ҳолда эълон қилиниши мумкин.

27. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари вақт-вақти билан судлар томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорларининг сифатини ўрганиб боришлари, қонун талаблари бузилишига йўл қўймаслик чораларини кўришлари лозим.

28. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"ги 13-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси**

**Пленум котиби,  
Олий суд судьяси**

**К. КАМИЛОВ**

**И. АЛИМОВ**



## Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида

Иқтисодий низоларни ҳал этишда биринчи инстанция суди томонидан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси нормаларини тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Иқтисодий судларнинг эътибори низоларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатларига қатъий риоя этган, тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги, суд ишларини юритишнинг ошкоралиги, тортишувлилиги ва одил судловнинг бошқа принципларини таъминлаган ҳолда ҳал этиш зарурлигига, уларга риоя қилмаслик эса, тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ҳуқуқлари бузилишига олиб келишига қаратилсин.

2. ИПК 3-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун иқтисодий судга (бундан буён матнда суд деб юритилади) ушбу Кодексда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

Бунда манфаатдор шахс деганда, ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаат қилаётган шахс (даъвогар, қарши даъво аризаси бўйича эса жавобгар, аризачи, низо-

нинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс) тушунилиши лозим.

Судларга тушунтирилсинки, судга мурожаат қилишда ИПКда белгиланган шаклга риоя қилмаслик даъво аризаси (ариза) ва шикоятни қайтариш учун асос бўлади.

3. ИПК 148-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ суд манфаатдор шахсларнинг, прокурорнинг, қонун бўйича давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда шу давлат органлари ва бошқа органларнинг аризалари бўйича иш кўзгатади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра, агар қонунда муайян тоифадаги низолар учун судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, фақат тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равишда ҳал қилиш чораларини кўрганларидан кейингина судда иш кўзгатилиши мумкин. Бундай тартиб, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади), Солиқ кодекси, Ҳаво кодекси, "Темир йўл

транспорти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгилаб қўйилган. Низоларни судгача ҳал этиш (талабнома юбориш) тартиби даъвогар учун фақат қонун ва шартномада белгиланган ҳолларда мажбурий эканлигини назарда тутиш лозим.

Бунда судлар инобатга олишлари керакки, қонуности ҳужжатларида низоларни судгача ҳал этиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ҳолларда унга риоя қилиш тарафлар учун мажбурий ҳисобланади.

Агар шартномада тарафлар томонидан келиб чиққан низоларни тинч йўл билан ҳал этиш ҳақидаги шарт назарда тутилган бўлса, аммо низони ҳал этиш тартиби белгиланмаган бўлса, бу ҳолда низони талабнома юбориш йўли билан ҳал этиш тартиби мажбурий ҳисобланмайди. Бунда судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, башарти, шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби назарда тутилган бўлса, прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар томонидан даъвогарлар манфаатида даъво аризалари судга тақдим этилишидан олдин ҳам

ушбу тартибга риоя қилиниши керак.

4. Судлар суд ҳужжати суд мажлиси ўтказилган тилда тузилиши лозимлигини ҳисобга олишлари керак.

Бунда судларнинг эътибори суд мажлиси қайси тилда бошланса, шу суд мажлиси якунига қадар шу тилда давом эттирилиши ҳамда суд ҳужжати шу тилда тузилиши, суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган суд процесси иштирокчиларининг таржимон орқали иш материаллари билан танишиш, суд ҳаракатларида иштирок этиш ҳамда судда ўз она тилида ёки эркин танланган мулоқот тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланишига эътибор қаратилиши лозим.

5. ИПК 15-моддасининг биринчи қисмига кўра, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа органлар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши лозим.

Судья томонидан имзоланган суд ҳужжатлари ишда қолдирилиши сабабли, уларнинг ишда иштирок этувчи шахсларга юбориладиган нусхалари "аслига тўғри" ёзуви киритилиб, суднинг гербли муҳри билан, агар суд ҳужжати электрон тарзда юборилса, у судьянинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

6. Рад қилиш тўғрисидаги ариза фақат ИПКнинг 20 ва 21-моддаларида кўрсатилган ҳоллар мавжуд бўлганда қаноатлантирилиши мумкин.

ИПК 20-моддасининг 3-бандини қўллашда судья, агар у ишда иштирок этувчи шахсларнинг (ишда иштирок этувчи шахслар раҳбарлари ёки таъсисчилари (иштирокчилари), юридик шахс мол-мулкнинг эгаси) ёки улар вакилларининг қариндоши бўлса, ишни кўришда қатнаша олмаслигини назарда тутиш лозим.

Биринчи инстанция бўйича ишлар барча судларда судья томонидан яқка тартибда кўрилади ҳамда уни рад қилиш тўғрисидаги масала суднинг раиси, бир таркибли судда эса шу судья томонидан ҳал қилинади.

Суд раисига нисбатан билдирилган рад қилиш тўғрисидаги масала суд раисининг ўзи томонидан ҳал этилади.

Ишни Олий суднинг биринчи инстанциясида кўраётган судьяни рад қилиш тўғрисидаги масала судлов ҳайъатининг раиси томонидан ҳал қилинади.

Рад қилиш ҳақидаги ариза оғзаки ёки ёзма шаклда билдирилиши мумкин. Оғзаки ариза бевосита суд мажлисининг баённомасида кўрсатилади.

Айни бир шахс томонидан айни бир асослар бўйича такроран рад қилиш билдирилганда, у кўриб чиқилмаслиги суд томонидан эълон қилинади ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади.

7. ИПК 19-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья, агар суднинг ҳал қилув қарори апелляция ёки кассация инстанцияси судлари томонидан ёхуд назорат тартибида бекор қилинган бўлса, шу ишни биринчи инстанция судида янгидан кўришда иштирок эта олмайди, янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни кўриш бундан мустасно.

Ишни кўришда иштирок этган судья деганда, ишни мазмунан кўришда ва ҳал қилув қарори, қарор қабул қилинишида иштирок этган судья тушунилади.

Судлар назарда тутишлари лозимки, ИПКнинг 19-моддасида белгиланган қоидалар даъво аризасини қабул қилиш ва иш кўзғатиш, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш, суд мажлисини қолдириш тўғрисидаги ва бошқа шикоят қилинмайдиган ажримларни қабул қилишда иштирок этган судьяларга татбиқ этилмайди. Бироқ даъво ни кўрмасдан қолдириш ва иш юритишни тугатиш тўғрисида-

ги ажримларни чиқарган судья шу ишни биринчи инстанция судида янгидан кўришда иштирок этиши мумкин эмас.

8. Судга ИПК 25-моддасининг биринчи қисмида белгиланган иқтисодий соҳасида фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иқтисодий низолар бўйича ишлар тааллуқдир. Иқтисодий судга тааллуқли бўлган, низо келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа ҳуқуқий муносабатлар деганда, хусусан, фуқаролик ва маъмурий ҳуқуқ нормалари билан қамраб олинмаган ер ва бошқа ҳуқуқий муносабатлар тушунилиши лозим.

Иқтисодий судга корпоратив низолар бўйича ишлар ҳам тааллуқдир. Бундай ишлар низо вужудга келган ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси юридик ёки жисмоний шахс бўлишидан қатъи назар, фақат иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади. Бундан меҳнатга оид низолар, шунингдек, хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни, улушларни, кооперативлар аъзоларининг пайларини ўз ичига олувчи мерос мол-мулкни ёки эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низолар мустасно.

Судлар инobatга олишлари лозимки, ИПКнинг 30-моддасида кўрсатилган корпоратив низоларнинг рўйхати тугал ҳисобланмайди. Шунинг учун низонинг ушбу рўйхатда кўрсатилмаганлигини асос қилиб, даъво аризасини қабул қилишни рад этишга ёки иш юритишни тугатишга йўл қўйилмайди.

Ўзаро боғлиқ бир нечта талаб бирлаштирилган бўлиб, уларнинг айримлари фуқаролик ишлари бўйича судга ёки маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлса, хусусан, иқтисодий судга тааллуқли бўлган талаб билан бирга давлат рўйхатига олиш билан боғлиқ бўлган ёки давлат органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш каби талаблар ҳам қўйилган бўлса,



даъво аризаси (ариза) ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига асосан қайтарилади.

Агар ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилиб берилган даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган бўлса, ИПК 110-моддасининг 1-бандига асосан иш юритиш тугатилади.

Агар ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса маъмурий судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилиб берилган даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган бўлса, суд иқтисодий судга тааллуқли бўлган талабни мазмунан кўриб чиқиши, маъмурий судга тааллуқли талаб бўйича эса ИПК 110-моддасининг 1-бандига асосан иш юритишни тугатиши лозим.

9. ИПК 37-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ корпоратив низолар бўйича даъволар юридик шахс жойлашган ердаги судга тақдим этилади. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, ушбу қоидада кўрсатилган юридик шахс деганда, низо айнан қайси юридик шахснинг фаолияти юзасидан келиб чиққан бўлса, шу юридик шахс тугатилади.

ИПКнинг 30-моддасида кўрсатилган корпоратив низоларнинг рўйхати тугал ҳисобланмаслиги сабабли, ИПКнинг ушбу моддасида кўрсатилмаган, аммо ўзининг моҳиятига кўра корпоратив низо ҳисобланган даъволар ҳам юридик шахс жойлашган жойда тақдим этилади.

10. ИПКнинг 25-моддасида иқтисодий судга тааллуқли низолар келиб чиқиши мумкин бўлган ҳуқуқий муносабатлар қатнашчиларининг субъектли таркиби белгиланган. У энг аввало, юридик шахсларни ва юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда ол-

ган фуқароларни ҳамда ИПК 25-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига назарда тутилган ишлар бўйича жисмоний шахсларни ўз ичига олади.

Судлар назарда тутишлари керакки, агар даъво билан юридик шахснинг ўзи эмас, балки унинг алоҳида бўлинмаси (филиали, ваколатхонаси) ишончнома асосида унинг номидан мурожаат этса, иқтисодий суд даъво аризасини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас. Бундай ишлар бўйича алоҳида бўлинма эмас, балки у манфатларини кўзлаб ҳаракат қилаётган юридик шахс даъвогар ҳисобланади.

Шуни назарда тутиш керакки, юридик шахснинг алоҳида бўлинмаси (филиали, ваколатхонаси) юридик шахс мақомига эга эмас ва ишончнома асосида юридик шахснинг номидан ҳаракат қилади. Агар юридик шахснинг алоҳида бўлинмаси (филиали, ваколатхонаси) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ёхуд унинг ҳудудий бошқармаси аъзоси бўлган бўлса, алоҳида бўлинма эмас, балки унинг юридик шахси палата аъзоси ҳисобланади. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси томонидан қиритиладиган даъво аризасида даъвогар сифатида юридик шахс кўрсатилиши шарт. Ушбу талабга риоя қилмаслик ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан даъво аризасини қабул қилишни рад этишга асос бўлади. Агар бу ҳолат даъво аризаси иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, ИПК 110-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан иш юритиш тугатилади.

Даъво юридик шахснинг ўзига эмас, балки унинг алоҳида бўлинмасига нисбатан тақдим этилган бўлса, ИПК 154-моддасининг 1-бандига асосан даъво аризасини қабул қилиш рад этилади. Агар бу ҳолат даъво аризаси иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, ИПКнинг 45-моддасига муво-

фиқ юридик шахснинг ўзини ишда иштирок этишга жалб қилиш масаласи ҳал этилиши лозим. Даъво қаноатлантирилган тақдирда, ундириладиган сумма ишга тегишли жавобгар сифатида жалб қилинган юридик шахсдан ундирилади.

ИПК 25-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ фуқаро, агар у юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган бўлса, иқтисодий судга тааллуқли низонинг қатнашувчиси деб тан олинади. Судлар шуни назарда тутишлари керакки, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган, лекин давлат рўйхатидан ўтмаган фуқаро, яқка тартибдаги тадбиркор мақомини олмайди ва бундай шахслар иштирокидаги низолар ИПК 25-моддасига мувофиқ иқтисодий судга тааллуқли эмас. Агар фуқаронинг яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигининг амал қилиши, хусусан гувоҳноманинг амал қилиш муддатининг тугаши, давлат рўйхатидан ўтказилганлигининг бекор қилинганлиги ва ҳоказолар муносабати билан тугатилганда, тегишли талаблар унинг аввалги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиқса, иқтисодий судга тааллуқлидир.

Судларнинг эътибори фуқарода яқка тартибдаги тадбиркор мақоми мавжудлигининг ўзи, унинг иштирокидаги низони иқтисодий судда кўришга асос бўлмаслигига қаратилсин. Агар фуқаро олинган яқка тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлса-да, аммо низо унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши муносабати билан эмас, балки уй-жой, никоҳ-оила ва бошқа, шу жумладан, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлса, бу низо иқтисодий судга тааллуқли эмас.

11. Шартнома бўйича келишмовчиликлар ҳақидаги низолар қуйидаги икки ҳолатда судда кўриш предмети бўлиши мумкин, агар:

шартнома тузиш қонунда назарда тутилган бўлса;

тарафларнинг шартнома бўйича келишмовчиликларни ҳал этиш учун иқтисодий судга топшириш тўғрисида келишуви мавжуд бўлса.

Бундан келиб чиқадики, шартнома олдидан бўладиган низони, агар бундай шартномани тузиш қонун бўйича ҳеч бўлмаганда бир тараф учун мажбурий бўлса, суд кўриб чиқиш учун қабул қилиши шарт (ФКнинг 377-моддаси). Шартнома бўйича келишмовчиликлар тўғрисидаги низони судга ҳал этиш учун беришнинг бошқа шarti тарафларнинг бундай имконият ҳақидаги келишуви ҳисобланади. Мазкур келишув турли шаклларда, масалан, хатлар, телеграммалар, маълумотлар алмашиш йўли билан, факсимил ёки электрон алоқа воситасида ифода этилиши мумкин. Бундан ташқари, шартнома бўйича келишмовчиликларни ҳал этишни судга топшириш тузилиши керак бўлган шартноманинг шarti сифатида назарда тутилиши ва агар бошқа тараф келишмовчиликлар баённомасида лойиҳанинг бу шarti бўйича ҳеч қандай эътироз билдирмаса, тарафлардан бири томонидан бундай тартиб лойиҳага киритилиши мумкин.

Шартнома шартларини ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги иқтисодий низолар ҳам судга тааллуқлидир. Бундай турдаги низоларни суд ўз иш юритишига қабул қилиши учун шартноманинг тури ҳам, уни тузиш тартиби ҳам аҳамиятга эга эмас. Шу билан бирга ФК шартномани бекор қилиш ва ўзгартириш, агар ФК, бошқа қонунлар ёки шартнома билан бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафларнинг келишуви бўйича мумкинлиги тўғрисидаги қонундан белгилайди (ФК 382-моддасининг биринчи қисми). Тарафлардан бирининг талаби билан эса шартнома суд томонидан фақат иккинчи тараф уни жиддий равишда бузса ҳамда ФК, бошқа қонунлар ва шартномада назар-

да тутилган ўзга ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин (ФК 382-моддасининг иккинчи қисми). Бунда суд бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёинки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса — ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги даъво ни қабул қилишга ҳақли (ФКнинг 384-моддаси).

12. ИПК 25-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига мувофиқ судга юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Судлар инobatга олишлари лозимки, ИПК 205-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган юридик аҳамиятга эга бўлган фактларнинг рўйхати тугал ҳисобланмайди. Шунинг учун бундай фактнинг ушбу рўйхатда кўрсатилмаганлигини асос қилиб, аризани қабул қилишни рад этишга ёки иш юритишни тугатишга йўл қўйилмайди.

Суд қуйидаги шартларнинг йиғиндиси мавжуд бўлганда юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризаларни ўз иш юритишига қабул қилади ва кўради, агар:

қонунга кўра факт ҳуқуқий оқибатларни, яъни тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият соҳасида ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлишини келтириб чиқарса;

фактнинг аниқланиши кейинчалик иқтисодий судга тааллуқли бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги низони ҳал этиш билан боғлиқ бўлмаса;

аризачи юридик аҳамиятга эга бўлган фактни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни олиш ёки тиклашнинг бошқа имкониятига эга бўлмаса;

амалдаги қонун ҳужжатларида юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлашнинг бошқа

(суддан ташқари) тартиби назарда тутилмаган бўлса.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги ариза ИПКнинг 149-моддаси ва 207-моддасининг иккинчи қисмида баён қилинган талабларга риоя этган ҳолда берилиши керак. Қайд этилган талабларга риоя этмаслик ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан аризани қайтаришга асос бўлади.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар суд томонидан ИПКда назарда тутилган умумий қоидалар бўйича, ИПКнинг 208-моддасида назарда тутилган хусусиятлар инobatга олинган ҳолда кўрилади.

Суд томонидан ишда иштирок этиш учун жалб қилинган манфаатдор шахслар (қабул қилинган ҳал қилув қарори ҳуқуқларига таъсир этиши мумкин бўлган шахслар) юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги судда кўрилаётган аризининг асослилиги ёки асоссизлигини тасдиқловчи далилларни тақдим этиш, иш ҳолатларини текширишда иштирок этиш, ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш ва ИПКнинг 42-моддасида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли.

Агар юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги ишни кўришда манфаатдор шахс томонидан судга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисида низо борлиги маълум қилинса ёки суднинг ўзи юридик аҳамиятга эга бўлган фактнинг аниқланиши ҳуқуқ тўғрисидаги низони ҳал қилиш билан боғлиқлиги тўғрисида хулосага келса, ариза ИПК 107-моддасининг 7-бандига асосан кўрмасдан қолдирилади.

13. Даъвогар ИПК 157-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган даъво асосини ёки предметини ўзгартириш, даъво талаблари миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш ҳуқуқидан биринчи инстанция судида ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар фойдаланиши мумкин. Бу норма иш бошқа

инстанцияларда кўрилаётганида қўлланилмайди. Қайд этилган ҳуқуқ даъвогар томонидан, шунингдек, ҳал қилув қарори апелляция, кассация инстанциялари томонидан ёки назорат тартибида ёхуд суд ҳужжати янги очилган ҳолат бўйича бекор қилиниб, иш янгидан биринчи инстанция судида кўрилаётганда фойдаланилиши мумкин.

Даъво предметининг ўзгариши даъвогарнинг жавобгарга нисбатан моддий-ҳуқуқий талабларининг ўзгаришини билдиради. Даъво асосини ўзгартириш даъвогарнинг жавобгарга нисбатан ўз талабларини асослангирган ҳолатларнинг ўзгаришини билдиради. Даъво предмети ва асоси тушунчаларидан шу нарса келиб чиқадики, масалан, агар битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаб шартномани бекор қилиш талаби билан алмаштирилса ва бу ўзгаришга бошқа асослар келтирилса, бундай ҳолда даъвонинг предмети ва асоси ўзгарган ҳисобланади. ИПК даъво предмети ва асосини бир вақтда ўзгартиришга йўл қўймайди.

Даъво талаблари микдорининг кўпайтирилиши деганда, даъвогар томонидан даъво аризасида баён қилинган ўша талаб бўйича даъво суммасининг кўпайтирилиши тушунилади. Даъво талаблари микдорининг кўпайтирилиши даъвогар томонидан даъво аризасида кўрсатилмаган кўшимча талабларни тақдим қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкин эмас. Хусусан, мулкӣ санкцияларни қўллаш ҳақидаги талаб асосий қарзни ундириш тўғрисидаги даъво бўйича талаблар микдорининг кўпайтирилиши деб ҳисобланмаслиги керак. Бундай талаб даъво предмети бўлмаган янги талаб ҳисобланиши сабабли, кўриб чиқилмаслиги ва мазкур талаб мустақил равишда билдирилиши мумкинлиги ҳал қилув қарорининг асослангирувчи қисмида кўрсатилади.

Даъвогар ишни ҳар қандай инстанция судида кўришда тегишли суд инстанциясида

ишни кўриш якуни бўйича чиқариладиган суд ҳужжати қабул қилингунига қадар даъводан тўлиқ ёки қисман воз кечишга ҳақли.

Суд мажлиси давомида тақдим этилган даъвонинг предмети ёки асосини ўзгартириш, даъво талаблари микдорини кўпайтириш ёки камайтириш, даъводан воз кечиш ҳақидаги ариза иш юритишга қабул қилинганлиги суд мажлисида эълон қилиниб, бу ҳақда суд мажлиси баённомасига киритилиши ҳамда ажримда ёки ҳал қилув қарорида кўрсатилиши лозим.

Даъвонинг предмети ёки асосини ўзгартириш, даъво талаблари микдорини кўпайтириш ёки камайтириш ҳақидаги ёхуд даъводан воз кечиш ҳақидаги ариза судга ёзма равишда тақдим этилиши лозим.

Судларнинг эътибори даъводан воз кечиш қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслигига қаратилсин.

Суд даъвогарга даъводан тўлиқ ёки қисман воз кечишнинг ИПК 111-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган оқибатларни тушунтириши лозим.

14. ИПК 61-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ судда юридик шахсларнинг ишларини уларнинг қонун ҳужжатларида ёки таъсис ҳужжатларида берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қиладиган органлари ва (ёки) вакиллари юритади.

Вакилнинг ишончномасида ишонч билдирган шахснинг номидан судда вакил амалга оширишга ҳақли бўлган, ИПКнинг 63-моддасида назарда тутилган процессуал ҳаракатлар санаб ўтилган бўлиши лозим. Агар вакилга берилган ишончномада унинг аниқ ваколатлари кўрсатилмаган бўлса, вакил ИПК 63-моддасининг биринчи қисмида махсус назарда тутилган процессуал ҳаракатлардан ташқари, барча процессуал

ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли.

ИПКнинг 63-моддасида вакилнинг даъво талабларининг микдорини кўпайтириш ёки камайтириш ваколати ишончномада махсус назарда тутилган бўлиши белгиланмаган. Шу сабабли, судларнинг эътибори бундай аризалар даъво аризасини имзолаш ҳуқуқи берилган шахс томонидан берилиши мумкинлигига қаратилсин.

ИПК 61-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ фуқаролар ўз ишларини иқтисодий судларда шахсан ўзлари ва (ёки) вакиллари орқали юритишлари мумкин. ИПК 61-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган фуқаролар деганда, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар, шунингдек ИПК 25-моддаси биринчи қисмининг 3 ва 5-бандлари ҳамда ушбу модданин иккинчи қисмида назарда тутилган низолар иштирокчилари — жисмоний шахслар тушунилиши лозим.

Ҳуқуқий маслаҳатхона ёки адвокатлик ҳайъати (бюроси, фирмаси) томонидан берилган ордер адвокатга ҳуқуқий ёрдам сўраб мурожаат қилган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини беради, бироқ у ишончноманин иқдорини босмайди ҳамда адвокатга ИПКнинг 63-моддасида махсус назарда тутилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини бермайди.

Биринчи инстанция судида иштирок этувчи вакиллар апелляция, кассация ва назорат шикоят, шунингдек назорат тартибида ариза беришга, агар бундай процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ишонч билдирган шахс томонидан берилган ишончномада махсус қайд этилган бўлса, ҳақли.

Судлар суд ишларини юритиш иштирокчилари ва улар вакилларининг ваколатларини ИПК 165-моддаси учинчи қисмининг 2-бандига мувофиқ равишда текширишлари керак.

Шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил иштирок этаётганда суд унинг ҳужжатларини ИПК 61-моддасининг тўртинчи қисмида кўйилган талабларга мослигини текширади. Хусусан, ишда юридик шахс манфаатини ҳимоя қилаётган ходимининг ваколатларини текширишда унинг мазкур юридик шахсда ишлаётганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (меҳнат шартномаси, буйруқ ва бошқа ҳужжатлар) ўрганилади.

Вакилларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар суд мажлиси баённомасига киритилади, зарур ҳолларда эса уларнинг кўчирма нусхалари ишга қўшиб қўйилади.

Ишда иштирок этувчи шахс, унинг вакили ўз ваколатларини тасдиқлаш учун зарур ҳужжатларни тақдим этмаган ёки қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаган ҳужжатларни тақдим этган тақдирда, суд тегишли шахснинг ишда иштирок этишга оид ваколатларини тан олишни рад этади, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади.

ИПК 61-моддаси тўртинчи қисмининг 6-бандида ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига биноан суд томонидан рухсат берилган бошқа шахслар шартнома бўйича вакил бўлиши мумкинлиги белгиланган. Хусусан, ишда иштирок этувчи юридик шахснинг ходими бўлмаган, лекин иш учун муҳим ҳолатларни белгилашга ва низони тўғри ҳал этишга кўмаклашиши мумкин бўлган шахс вакил сифатида ишда иштирок этишига йўл қўйилиши мумкин.

15. ИПК 69-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, агар суд мавжуд далиллар етарли эмас деб ҳисобласа, ишнинг объектив ҳолатларини аниқлаш ва низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган қўшимча далилларни тақдим этишни таклиф қилиши мумкин.

Судларнинг эътибори суд ишда иштирок этувчи шахсларни қўшимча далиллар тақдим этишга мажбур қилмасдан,

фақатгина таклиф этишига қаратилсин.

Қўшимча далиллар низонинг тўғри ҳал қилиниши ва у бўйича қонуний ҳамда асослантилган суд ҳужжати қабул қилиниши учун зарур бўлиши керак. Шу билан бирга, шуни назарда тутиш лозимки, ИПК 170-моддасининг биринчи қисмига кўра, ишда иштирок этувчи шахсларга суд даъво аризаси юзасидан тақдим этишни таклиф қилган ёзма фикр ёки қўшимча далиллар тақдим этилмаганлиги ишни мавжуд материаллар бўйича кўришга тўсқинлик қилмайди.

16. ИПК 80-моддасининг биринчи қисми экспертнинг нафақат ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра тайинлини имконини назарда тутаяди, балки агар экспертизани тайинлаш қонунда белгилаб қўйилган ёки шартномада назарда тутилган бўлса ёхуд тақдим этилган далилнинг қалбакилаштирилганлиги тўғрисидаги аризани текшириш ёхуд қўшимча экспертиза тайинлаш зарур бўлса, суд экспертизани ўз ташаббуси билан тайинлаши мумкин.

Шунингдек, судлар шуни ҳисобга олишлари лозимки, қайта экспертиза тайинланганда ҳам ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаси мавжудлиги талаб этилмайди.

Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарилади. Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисидаги ажрим, суд томонидан экспертиза тайинлашни рад қилиш сабаблари кўрсатилиб, асослантилган бўлиши лозим.

Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги ажримда экспертиза учун саволларнинг рўйхати кўрсатилиши керак. Бунда назарда тутиш керакки, ишда иштирок этувчи шахслар судга экспертиза ўтказиш вақтида ташаббус қилиб берилиши керак бўлган саволларни тақдим этишга, суд эса шахсларни

бундай саволларни судга тақдим қилишни таклиф этишга ҳақли. Ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган масалаларнинг рад қилинишини суд асослаб бериши шарт. Шу билан бирга суд тақдим этилган саволларнинг мазмунини аниқлаш, уларни тузатиш, эксперт олдига мустақил равишда саволлар қўйишга ҳақли. Зарурият туғилганда суд суд мажлисига экспертни чақиритишга ҳамда саволларни тўғри ва аниқ ифода қилиш мақсадида унинг иштирокида экспертиза ўтказиш учун саволларни шакллантиришга ҳақли. Экспертиза ўтказилиши зарур бўлган саволларнинг узил-кесил рўйхати суд томонидан белгиланади.

Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги ажрим билан эксперт хулосаси олинганга қадар иш юритиш тўхтатилиши мумкин.

Экспертиза тайинлаш ёки экспертиза тайинлаш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят (протест) қилинмайди.

17. Аввал қабул қилинган ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўрилаётганда, судья бошқа далиллар билан биргаликда иш учун аҳамиятга эга бўлган (гувоҳларнинг кўрсатмалари, мутахассиснинг тушунтириши ёки маслаҳати, эксперт хулосаси ва бошқалар) ва бекор бўлган ҳал қилув қарори қабул қилинган суд мажлисида тақдим этилган далилларни баҳолашга ҳақли.

Судлар инobatга олишлари лозимки, айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб, жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ажрим (қарор) ёки айблилик масаласини ҳал қилмай туриб жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарор ёхуд шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарор, улар (ажрим, қарор) билан аниқланган ҳолатларга ҳуқуқий баҳо беришда, далил сифатида қабул қилиниши мумкин.

18. ИПКнинг 94-моддасида кўрсатилган даъвони таъминлаш чоралари, агар уларни

қўлламаслик суднинг ҳал қилув қарорини бажаришга қийинчилик туғдириши мумкин бўлса ёхуд бажариб бўлмайдиган қилиб қўйса, иш бўйича иш юриштининг ҳар қандай босқичида қабул қилиниши мумкин.

Инобатга олиш лозимки, ИПК 94-моддасининг биринчи қисми ҳисобварағига банд солиш каби даъвони таъминлаш чорасини назарда тутмайди. Шунинг учун ишда иштирок этувчи шахснинг жавобгарга тегишли бўлган пул маблағларига банд солиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқишда ҳисобга олиш керакки, кредит муассасасидаги ҳисобварақлари эмас, балки даъвода кўрсатилган сумма доирасида ҳисобварақларида мавжуд бўлган пул маблағлари хатланади.

Судларнинг эътибори давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжати қабул қилинганлиги ёхуд уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунга зид ҳаракатлар (ҳаракатсизлиги) содир этилганлиги натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъвони кўришда суд даъвогарнинг аризаси бўйича даъвони таъминлаш чораларини кўриши шартлигига қаратилсин. Бундай ариза билан тадбиркорлик субъекти манфаатида даъво киритган ваколатли органлар мурожаат қилганда ҳам суд даъвони таъминлаш чораларини кўриши шарт. Тадбиркорлик субъекти ҳисобланмаган бошқа шахслар томонидан тақдим этилган бундай аризалар умумий тартибда кўриб чиқилади.

Мол-мулк, агар у узоқ сақланганда ўзининг сифатини йўқотмаса, хатланиши мумкин. Бундай чора, хусусан тез бузиладиган маҳсулотларга нисбатан қўлланилмайди.

Даъво қаноатлантирилганда уни таъминлаш чораси ҳал қилув қарори ҳақиқатда ижро этилгунга қадар амал қилади.

ИПК 99-моддасининг мазмунига кўра, даъвони қаноатлантиришни рад этиш, даъвони

кўрмасдан қолдириш ва иш юриштишни тугатиш тўғрисидаги суд ҳужжатлари қонуний кучга киргач, даъвони таъминлаш чораси ўз кучини йўқотади. Бироқ суд кўрсатилган суд ҳужжатларини қабул қилиш билан бир вақтда ёки улар қабул қилинганидан кейин ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаси ёки ўзининг ташаббуси бўйича даъвони таъминлашни бекор қилиши мумкин. Бунда ИПК алоҳида ажрим чиқарилишини назарда тутати ва даъвони қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори ёки даъвони кўрмасдан қолдириш ва иш юриштишни тугатиш тўғрисидаги ажримда даъвони таъминлаш чорасининг бекор қилиниши кўрсатилишига йўл қўймайди.

Даъвони таъминлаш чорасини бекор қилиш учун тарафлар даъвони таъминлаш ҳақидаги суд ажримини эмас, балки даъвони таъминлаш чорасини бекор қилиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилади.

19. Иш юриштишни тўхтатиш суд томонидан ушбу иш бўйича амалга ошириладиган барча процессуал ҳаракатларнинг тўхтатилишини англатади, бундан даъвони ва далилларни таъминлашга қаратилган ҳаракатлар мустасно. Иш юришти тўхтатиб турилган даврда даъвони ёки далилларни таъминлаш ҳақида ариза келиб тушганда, ушбу масала ИПКнинг 96-моддасида назарда тутилган тартибда ҳал этилиши ва натижаси бўйича ажрим чиқарилиши лозим.

Иш юриштишни тўхтатиш асослари ИПКнинг 101 ва 102-моддаларида назарда тутилган. Бунда суд ИПКнинг 102-моддасида белгиланган асослар бўйича иш юриштини ўз ташаббуси билан ёки тарафларнинг илтимосномасига кўра тўхтатишга ҳақли эканлиги ва ИПКнинг 101-моддасида назарда тутилган асослар бўйича илтимоснома мавжудлигидан қатъи назар, иш юришти тўхтатишга мажбур эканлигини эътиборга олиши лозим. Иш юриштишни тўхтатиш тўғриси-

даги суд ажримда иш юриштишни тўхтатиш учун асос бўлган ҳолатлар кўрсатилиши керак.

Иш юришти тўхтатилиши билан барча тугамаган процессуал муддатларнинг ўтиши иш бўйича иш юришти тиклангунга қадар тўхтатилади. Бунда суд томонидан иш бўйича иш юришти тўхтатиб туриш тўғрисидаги ажрим чиқарилгунга қадар тугамаган процессуал муддатларгина тўхтатилади. Иш юришти тўхтатишгача ўтган вақт иш кўришнинг умумий муддатини ҳисоблашда ҳисобга олиниши керак.

ИПКнинг 101 ва 102-моддаларида кўрсатилган иш юришти тўхтатиб туриш асосларининг рўйхати тугал ҳисобланади ва кенгайтирилган тарзда талқин қилинишига йўл қўйилмайди.

20. ИПК 103-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида иш юришти ушбу Кодекс 101-моддасининг 1-бандида назарда тутилган ҳолларда тегишли суд ҳужжати қонуний кучга киргунга ёки тергов ҳаракатлари тугаллангунга қадар тўхтатиб турилиши белгиланган.

Бунда тергов ҳаракатлари тугаллангунга қадар деганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 372-моддасида қайд этилган дастлабки терговни тамомлаш, яъни дастлабки тергов жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш, айблов хулосаси тузиш, ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёки тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш ёхуд амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида тақдимнома тузиш билан тамомлаш тушунилади.

Судларнинг эътибори иқтисодий иш бўйича иш юришти тўхтатиш учун асос бўлган жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари тамомланиб, жиноят ишлари бўйича судга юборилган тақдирда, ушбу жиноят иши бўйича қабул қилган суд ҳужжати қонуний кучга кирганидан

кейин иқтисодий иш юритиш тикланишига қаратилсин.

Иқтисодий иш бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш учун асос бўлган жиноят иши бўйича иш юритиш тўхтатиб турилган тақдирда, иқтисодий иш бўйича иш юритиш тикланиши лозим.

21. Даъво аризасини кўрмасдан қолдириш низонинг мазмуни бўйича ҳал қилув қарори қабул қилмасдан туриб суд муҳокамасини тамомлаш шаклларида бири ҳисобланади. ИПКнинг 107-моддасида кўрсатилган даъво аризасини кўрмасдан қолдириш асосларининг рўйхати тугал ҳисобланади ва кенгайтирилган тарзда талқин қилинишига йўл қўйилмайди. Даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисида суд ажрим чиқаради ва у ИПКнинг 108-моддаси талабларига мувофиқ бўлиши керак.

ИПК 107-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида даъво аризаси фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса, суд даъво аризасини кўрмасдан қолдириши назарда тутилган.

Судларга тушунтирилсинки, даъво аризасида уни имзолаган шахснинг фамилияси тўлиқ, исми ёки исми ва отасининг исмини бош ҳарфлари кўрсатилганлиги даъво аризасини ИПК 107-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан кўрмасдан қолдиришга асос бўлмайди.

22. Иш юритишни тугатиш низонинг мазмуни бўйича ҳал қилув қарорини чиқармасдан суд муҳокамасини тамомлаш шаклларида бири ҳисобланади. ИПКнинг 110-моддасида назарда тутилган иш юритишни тугатиш асосларининг рўйхати тугал ҳисобланади ва кенгайтирилган тарзда талқин қилинишига йўл қўйилмайди.

ИПК 110-моддасининг 1-бандига мувофиқ, агар иш иқтисодий судда кўриш учун тегишли бўлмаса, суд иш юритишни тугатади. Ишнинг иқтисодий судга тааллуқлилиги ИПК 25 ва 26-моддаларининг талабларидан

келиб чиққан ҳолда аниқланади. Бунда судга тааллуқлилиқ бошланиб бўлган иқтисодий процессда ҳам ўзгариши мумкинлигини эътиборга олиш керак, масалан, процессга процессуал муносабатлар иштирокчилари мақомига эга бўлмаган шахслар — жисмоний шахслар ёки юридик шахслар бўлмаган ташкилотлар ва бошқаларнинг жалб этилиши муносабати билан.

Жавобгарнинг даъвони тан олишига ҳавола қилиниб иш юритишни тугатишга йўл қўйилмайди. Бундай ҳолда суд томонидан жавобгарнинг аризаси ҳисобга олиниб, мазмунан ҳал қилув қарори қабул қилинади. Судья суд мажлисидан ташқари, масалан, ишни суд муҳокамасида кўришга тайёрлаш жараёнида иш юритишни тугатиш ҳақида ажрим чиқаришга ҳақли эмас, судгача мажлис ўтказиш жараёнида иш юритишни тугатиш бундан мустасно.

Шуни назарда тутиш лозимки, қонунда ИПКнинг 110-моддасида белгиланмаган бошқа асослар билан иш юритишни тугатиш ҳоллари ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин. Хусусан, "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 61-моддасининг учинчи қисмига кўра, судгача санация ўтказилишига кредиторларнинг розилиги бўлган тақдирда, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тугатилади.

Судларга тушунтирилсинки, айна бир кредитор ва қарздор ҳисобланган шахслар ўртасида, айна шу талаб бўйича берилган қонуний кучга кирган суд буйруғи мавжуд бўлганда ҳам ИПК 110-моддасининг 2-бандида назарда тутилган иш юритишни тугатиш учун асос бўлади.

23. ИПКнинг 135-моддасида назарда тутилган суд буйруғи бериш мумкин бўлган талабларнинг рўйхати тугал ҳисобланади ва кенгайтирилган тарзда талқин қилинишига йўл қўйилмайди. Суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризалар ИПКнинг 17-бобида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

24. ИПК 149-моддасининг биринчи қисми мазмунига кўра даъво аризаси даъвогарнинг раҳбари ёки унинг вакили томонидан ўз қўли билан имзоланган бўлиши лозим. Бунда имзонинг механик ёки бошқа нусха кўчириш воситалари орқали амалга оширилишига, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, йўл қўйилмайди.

Тугатилаётган ташкилотнинг номидан даъво аризаси тугатиш комиссиясининг раиси ёки тугатувчи ёхуд улар ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Юридик шахснинг раҳбари вазифасини бажарувчи даъво аризасини имзолашга ҳақли, лекин бунда даъво аризасига унинг мақомини тасдиқловчи далил илова қилинган бўлиши лозим.

ИПК 149-моддасининг биринчи қисмини қўллашда шуни назарда тутиш керакки, агар юридик шахснинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиял ижро этувчи орган томонидан амалга оширилса ва даъво аризасига ушбу орган раҳбари ёки унинг ўринбосари даъво аризасини имзолашга ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинмаган бўлса, судья ишни судда кўришга тайёрлашда даъвогарга тегишли ҳужжатни тақдим этишни тақлиф қилиши керак.

25. ИПК 149-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ даъвогар ўзаро боғлиқ бўлган бир неча талабни битта даъво аризасига бирлаштиришга ҳақли.

Бир неча даъво талаблари, агар улар иқтисодий судга тааллуқли бўлган низоли моддий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан ҳолда ўзаро боғлиқ бўлса, бирлаштирилиши мумкин (хусусан, қайтарилмаган кредит, кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ва неустойкани ундириш ҳақида; бир неча транспорт ҳужжатлари бўйича олинган ва битта қабул қилиш ҳужжати билан расмийлаштирилган ёки битта ҳисобкитоб ҳужжати бўйича тўланган камомад микдорини ундириш ҳақида).

Агар бир нечта талаб билдирилган бўлиб, улар ўзаро боғлиқ бўлмаса, даъво аризаси ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 8-бандига асосан қайтарилади. Агар бу ҳолат даъво аризаси иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, ИПКнинг 159-моддасига асосан талабларнинг бир қисми алоҳида иш юритишга ажратилади.

26. ИПКнинг талабларига риоя этилган ҳолда берилган даъво аризаси уни иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Судлар шуни назарда тутишлари керакки, иш қўзғатилгунга қадар суд далилларни таъминлаш чораларини кўришга (ИПКнинг 90-моддаси), суд топшириқларини беришга (ИПКнинг 91-моддаси), даъвони таъминлаш чораларини кўришга (ИПКнинг 94-моддаси), иш юритишни тўхтатишга ёки тугатишга (ИПКнинг 101, 110-моддалари), ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича ҳаракатларни амалга оширишга (ИПКнинг 163-моддаси), судгача мажлис ўтказишга (ИПКнинг 163<sup>1</sup>-моддаси), ҳал қилув қарори қабул қилишга (ИПКнинг 176-моддаси) ҳақли эмас.

ИПК 162-моддасининг иккинчи қисмида кўзда тутилган қоидани қўллашда судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги кўрсатма ҳамда ишда иштирок этаётган шахслар бажариши лозим бўлган ҳаракатлар ва уларни бажариш муддатлари даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва ишни қўзғатиш тўғрисидаги ажримда ёхуд ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажримда акс эттирилиши мумкин, бироқ бу ҳужжатларнинг кетма-кетлиги процессуал ҳаракатларнинг ҳақиқий ривожланишига мувофиқ бўлиши керак. Агар судья ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ҳақида алоҳида ажрим чиқаришни лозим топса, у дастлаб даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳақида, сўнгра ИПКнинг

162-моддасига мувофиқ ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқаради.

27. ИПКнинг 154-моддасида назарда тутилган даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этиш асослари рўйхати тугал ҳисобланади ва кенгайтирилган тарзда талқин қилинишига йўл қўйилмайди.

Агар ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1 ва 4-бандларида назарда тутилган асослар даъво аризасини иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, иш юритиш ИПК 110-моддаси биринчи қисмининг тегишлича 1 ва 3-бандларига асосан тугатилади. Агар ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этиш учун асос даъво аризаси иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, даъво аризаси ИПК 107-моддасининг 1-бандига асосан кўрмасдан қолдирилади.

Судларга тушунтирилсинки, айти бир кредитор ва қарздор ҳисобланган шахслар ўртасида, айти шу талаб бўйича берилган қонуний кучга кирган суд буйруғи мавжуд бўлганда ҳам даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ИПК 154-моддасининг 2-бандида назарда тутилган асос билан рад этилади.

28. Судлар назарда тутишлари керакки, ИПК 155-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган даъво аризасини қайтариш учун асослар рўйхати тугал ҳисобланади ва кенгайтирилган тарзда талқин қилинишига йўл қўйилмайди.

Агар ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 1, 5, 6 ва 8-бандларида назарда тутилган даъво аризасини қайтариш учун асослар суд томонидан даъво аризаси иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, иш мазмунан кўриб чиқилиши лозим. Бунда суд ишда иштирок этувчи шахсларни даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан таништириш чораларини кўриши ҳамда ИПКнинг 159-моддаси тартибиде талабларни алоҳида

иш юритишга ажратиш масаласини кўриб чиқиши (агар бир ёки бир нечта жавобгарга нисбатан ўзаро боғлиқ бўлмаган бир нечта талаб бирлаштирилган бўлса) шарт.

ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 2 ва 9-бандларида назарда тутилган даъво аризасини қайтариш учун асослар даъво аризаси иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, суд даъво аризасини ИПК 107-моддасининг тегишлича 3 ва 4-бандлари асосида кўрмасдан қолдиради.

Агар ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган даъво аризасини қайтариш учун асос даъво аризасини иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, суд ИПК 39-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига асосан судловга тегишлилик қоидалари бўйича ишни кўриш учун бошқа иқтисодий судга ўтказиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг палата аъзоси манфаатларини кўзлаб берилган даъво аризаси (аризаси)га Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва даъвогар ўртасида тузилган аъзолик шартномаси ҳамда гувоҳномаси илова қилиниши лозим. Мазкур талабга риоя қилинмаганда даъво аризаси (ариза) ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига мос ҳолда қайтарилади, агар ушбу ҳолат даъво аризаси иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, даъво аризаси (ариза) ИПК 107-моддасининг 3-бандига мос ҳолда кўрмасдан қолдирилади.

Палатага аъзолик тўғрисидаги гувоҳнома муддати тугаганлиги аниқланган тақдирда, даъво аризаси (ариза) ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан қайтарилиши, бу ҳолат даъво аризаси (ариза) иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, даъво аризаси (ариза) ИПК 107-моддасининг 3-бандига мос ҳолда кўрмасдан қолдирилиши лозим.

29. ИПК 160-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинганга қадар жавобгар дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқиш учун қарши даъво тақдим этишга ҳақли.

Бунда назарда тутиш керакки, ИПК 160-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган шартлардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлса, қарши даъво иш юритишга қабул қилиниши мумкин. Агар қарши даъво процессуал қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинган ҳолда тақдим этилган бўлиб, аммо юқорида кўрсатилган моддадаги шартлар мавжуд бўлмаса, қарши даъвони иш юритишга қабул қилиш рад этилиши лозим. Қарши даъвони ИПКнинг 160-моддасида назарда тутилган шартлар мавжуд эмаслиги асосида қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим шикоят қилинмайди, чунки ушбу ҳолат судга мустақил даъво тақдим этишга тўсқинлик қилмайди. Агар қарши даъвони иш юритишга қабул қилиш ИПКнинг 154-моддасида кўрсатилган асослар бўйича рад этилган бўлса, бундай ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин.

